Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 192 (20. 459) • 1989 йил 20 август, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида.

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1989 йил 19 августда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бўлди.

Пленум Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орифжонов ва Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари Р. М. Худойберганованинг областларда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришнинг энг муҳим шарти сифатида қишлоқда шахсий ёрдамчи хўжаликларни ва уй-жой қурилишини ривожлантиришни таъминлашга оид ҳисоботларини тинглади.

Пленум аҳоли талаб ва эҳтиёжларини қондиришнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Д. Д. Берков Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари этиб тасдиқланганлиги муносабати билан пленум уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари вазифасидан озод қилди. М. Ҳ. Холмуҳамедов пенсияга чиқиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва Марказий Комитет Бюросининг аъзоси вазифаларидан озод қилинди. СССР Олий Советининг экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комитетининг раиси этиб сайланган Қ. Саликов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси вазифасидан озод қилинди. В. И. Огарок СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг план ва бюджет-молия комиссияси раисининг ўринбосари этиб сайланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси вазифасидан озод қилинди.

Пленум Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — республика давлат план комитетининг раиси этиб тайинланганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети социал-иқтисодий бўлимининг мудири лавозимидан озод қилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биология фанлари бўлимининг академик-секретари бўлиб ишлаган Ж. Ҳамидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари этиб сайланди. Пленум «Узагростроӣ» республика давлат-кооператив қурилиш бирлашмасининг раиси — республика министри бўлиб ишлаган Б. С. Ҳамидовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг социал-иқтисодий бўлими мудири этиб тасдиқлади.

Пленумда Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгаши раисининг ўринбосари Н. А. Муҳитдиновнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленумида Марказий Комитетнинг собиқ иккинчи секретари В. П. Анишчев шанига айтилган танқидий мулоҳазаларни текшириш юзасидан Марказий Комитет комиссиясининг иши натижалари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Барча муҳокама этилган масалалар юзасидан музокараларда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аграр комиссиясининг раиси Д. Д. Берков, Андижон область Бўз районидаги Партия XX съезди номли совхоз партия комитетининг секретари Ф. Исроилова, Хоразм область Боғот районидаги Нариманов номли колхоз раиси А. Искандаров, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари — республика агросаноат комитетининг раиси С. Ержонов, Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг раиси О. А. Алимов, Тошкент область Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси М. Исматов, Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Москва» колхозининг раиси Р. Чориев, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш кенгашининг раиси И. Искандаров, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Абдувосиқов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси иссиқлик физикаси бўлими лабораториясининг мудири П. Қ. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалари химияси институтининг директори А. И. Глушенкова, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов, Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори М. М. Мирзаев, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети кафедрасининг мудири Л. Қаюмов, Наманган область партия комитетининг секретари Д. Дадажонова, Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари С. А. Хўжаева ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг масъул ходими В. С. Бородин иштирок этди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

Дунё овози

Миллий сиёсатнинг стратегик вазифалари

КПСС «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати платформасининг лойиҳаси чет эл оммавий ахборот воситаларида зўр қизиқиш уйғотмоқда. Оммавий ахборот воситалари мазкур ҳужжатни КПСС ва Совет давлатининг миллатлараро муносабатларга доир сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқиш программаси деб, чинакам федерал давлат системасини барпо этишга даъват деб баҳоламоқдалар. Газеталар СССРдаги миллатлараро муносабатларни янги негизда уйғунлаштириш лойиҳада КПСС миллий сиёсатининг олий мақсадларидан бири деб баҳоланаётганлигига эътиборни жалб этади.

Чехословакияда чиқадиган барча газеталар платформа лойиҳасини босиб чиқарган ёки уни батафсил баён этиб берган. Умумхалқ муҳокамасига тақдим этилган ҳужжатни, деб ёзади **«Руде право»** газетасининг Москвадаги мухбири, КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларга бағишланадиган бўлажак Пленумида муҳокама қилиш мўлжалланмоқда. Газетанинг шарҳида таъкидланадики, совет федерациясининг шаклланиши ва ривожланиши билан, ўтмишда йўл қўйилган хатолар ва ленинча миллий сиёсат принциплари тўғридан-тўғри бузилганлигига қарамай, СССР халқлари олдида социалистик индустриалаштиришни амалга ошириш, қишлоқни социалистик қайта ўзгартириш, моддий базани вужудга келтириш йўли очилди.

Нима учун Совет Иттифоқи янги типдаги федерацияни ташкил этиш йўлидан бормоқда— деб савол беради Югославиянинг **Танюг** агентлиги. КПСС платформаси лойиҳасида ўз вақтида федератив негизда ташкил этилган СССР тарихий аҳамиятга молик натижаларга эришганлиги, бироқ вақт ўтиши билан миллий давлат қурилиши ўз ривожланишида турғунликка учраганлиги таъкидланади.

Ғарбий Германияда чиқадиган **«Генераль—анцайгер»** газетасининг баҳо беришича, платформа лойиҳаси «мазкур соҳада амалга ошириш мўлжалланаётган туб ўзгаришларни белгилаб берувчи принципиал ҳужжатдир». КПСС,—дейилади **«Франкфуртер рундшау»** газетасининг шарҳида, совет федерацияси моделини таклиф этмоқда. Бундай федерацияда республикаларга уларнинг суверен социалистик давлат мақомига мос келадиган ҳуқуқлар берилади.

Совет раҳбарияти деб ёзади **«Вашингтон пост»** газетаси, «Совет Иттифоқидаги юздан ортиқ этник группанинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятни тубдан маҳаллийлаштиришга даъват этди.

«КПСС платформаси миллий масалани ҳал этиш янги стратегиясининг асоси бўлиб қолади ва бу совет раҳбарияти учун энг долзарб вазифалардан биридир, — деб уқтиради Японияннинг **«Асахи»** газетаси. — Мазкур ҳужжат иттифоқдош республикалар ва бошқа маъмурий тузилмаларнинг бошқарув системасида туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган.

ИСРОИЛДА ИШСИЗЛИК

Исроилда ишсизлик даражаси шу йилнинг иккинчи кварталида 9,5 процентга етди. Бу кейинги 20 йил мобайнидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Хабарларга кўра, Исроил статистика бюросининг вакили мамлакатда ишсизлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 процент кўпайиб, 150 минг кишини ташкил этганлигини айтган.

Бюро маълумотларига кўра, бу йил ҳам экономикада саноат ишлаб чиқаришида мутлақо ўсиш бўлмаётганини акс эттирувчи жиддий танглик кузатилмоқда. Исроил ҳукуматининг шошилинч чоралари ҳам натижа бермади. Ҳукумат ўтган ойда ишсизликнинг ўсишига қарши бўлган ялпи норозилик забастовкасидан сўнг иқтисодий тангликни бартараф этишга доир тадбирлар учун 140 миллион доллар ажратди.

ҲАРБИЙ САФ ЎТКАЗИЛМАЙДИ

Хитой пойтахтининг маъмурлари 1 октябрда, ХХР ташкил этилганлигининг қирқ йиллиги кунида ҳарбий саф ва меҳнаткашлар намойишини ўтказмасликка қарор қилдилар, деди Пекин халқ ҳукуматининг раиси Чень Ситун.

Бўлажак байрам маркази, деди у, боғлар ва хиёбонларга, стадион ва театрларга кўчирилиб, у ерларда театрлаштирилган томошалар ва санъат усталарининг концертлари бўлади. Пекиндаги Тяньаньмэнь марказий майдонида шаҳарликлар уюшган ҳолда кириши учун очиб қўйилади.

Хитой пойтахтининг ҳокими байрам арафасида шаҳарликларни партиянинг туб сиёсий йўл-йўриқларига амал қилиб, ислоҳотлар сиёсатига содиқ бўлишни, мамлакатни социалистик янгилаш ишига онгли ёндашишни даъват этди.

КОЙВИСТОНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Хельсинкида Финляндия президенти Мауно Койвистонинг пайшанба куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофа министри армия генерали Д. Т. Язов билан бўлиб ўтган учрашувдаги баёноти тексти тарқатилди.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги 1948 йилги Совет — Финляндия шартномаси, дейилади баёнотда, Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасидаги ишончли муносабатларнинг яхши негизидир. Бу асл моҳияти билан яхши шартномадир. Гарчи шартноманинг баъзи қоидалари ҳужжат имзоланган даврдаги фикрлаш тарзини акс эттирсада, унинг асосий аҳамияти ўзгармай қолади.

ТАНГЛИКНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ ИЗЛАНМОҚДА

Ҳиндистон билан Шри-Ланка оролдаги ҳинд қўшинларини тезроқ олиб чиқиб кетиш шартларини муҳокама қилиш учун маслаҳатлашувни яна бошлашга қарор қилдилар.

«Таймс оф Индиа» газетаси Ҳиндистон ташқи ишлар министрлигидаги хабардор манбаларга таяниб хабар қилишича, Ҳиндистон раҳбарияти вакиллари билан музокараларни давом эттириш учун Шри-Ланка президенти Ранасингҳе Премадаса махсус вакилининг шу ҳафтада Деҳлига келиши кутилмоқда. Ҳиндистоннинг расмий доираларида, деб ёзади газета, Шри-Ланкадаги этник можарони ҳал қилишда Ҳиндистоннинг иштирок этиши муносабати билан икки томонлама муносабатлар кириб қолган бош берк кўчадан чиқиш йўлларини излаш мақсадида мулоқотни давом эттиришга Шри-Ланка ҳукуматининг тайёрлигидан мамнуният билдирилмоқда.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг 18 август куни бўлиб ўтган мажлисида республикада медицина хизматининг аҳволига доир масала муҳокама қилинди. Соғлиқни сақлаш ишида сўнгги йилларда баъзи силжишлар бўлгани таъкидланди. Бироқ медицина хизматининг умумий даражаси ҳозирги талаблардан орқада қолмоқда. Айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари қониқарсиз аҳволда.

Президиум аъзоларининг фикрича, ана шу ва бошқа камчиликлар республика соғлиқни сақлаш министрлиги (С. М. Баҳромов) коллегияси, марказий аппарати фаолиятининг услуб ва методларида туб ўзгаришлар бўлмаганлиги, даволаш-профилактика муассасаларининг иши устидан (Д. А. Асадов) назоратнинг пасайиб кетганлиги, дори-дармонлар билан қониқарсиз таъминланётганлиги ва медицина ускуналаридан самарали фойдаланилмаётганлиги туфайли юзага келган. Болалик ва туғруққа ёрдам хизмати (Д. Н. Қобулова), санитария-эпидемиология таъминоти (Ш. Ш. Шоваҳобов) яхши йўлга қўйилмаганлиги айтиб ўтилди, соғлиқни сақлаш ва медицина ходимлари имкониятидан етарли даражада ва оқилона фойдаланилмаётганлигига (Ш. Ш. Ҳамроев) эътибор қаратилди. Натижада республикада мураккаб санитария-эпидемиология вазияти сақланиб қолмоқда. Соғлиқни сақлаш объектларини қуришдаги жиддий камчиликлар йиллар давомида бартараф этилмаяпти. Шу беш йилликнинг уч йили мобайнида 87 миллион сўм ўзлаштирилмай қолди. Бухоро (Н. М. Карякин), Самарқанд (Б. Ҳамроев), Хоразм (В. И. Пустовойт) область ижроия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети (Н. В. Мачтаков) объектларни айниқса қониқарсиз қурмоқдалар. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, «Аралводстрой» студентлар қурилиш отряди ҳамда Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитетининг айби билан қишлоқ амбулаторияларини, фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва сут таомлари ошхонаси қурилишида хатарли аҳвол вужудга келди.

Республика Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги раҳбарларидан, министрлик коллегиясидан СССР Министрлар Советининг «Соғлиқни сақлашда янги хўжалик механизми тўғрисида»ги низомига мувофиқ аҳолига медицина хизмати кўрсатишни ташкил этишни тубдан яхшилашга, соғлиқни сақлаш системасини хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтказишга қаратилган программа бажарилиши учун кадрларнинг шахсий жавобгарлигини оширишни талаб қилди.

Президиум мажлисида министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг қора ва рангли металлар темир-терсакларини тайёрлаш ва топшириш планлари бажарилишини таъминлашга оид ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Қора ва рангли металлар темир-терсакларини тайёрлаш, топшириш билан боғлиқ ишларнинг аҳволи ҳамон қониқарсиз эканлиги айтиб ўтилди. Шу йил етти ойлик планы бажарилмади. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети (18963 ва 679 тонна), Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети (5450 ва 443 тонна) корхоналари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети (4430 ва 116 тонна), Самарқанд область ижроия комитети (6070 ва 404 тонна), Тошкент шаҳар ижроия комитети (3956 ва 488 тонна) шу давр ичида айниқса анча қолоқликка йўл қўйдилар. Натижада металлургия корхоналари ишида жиддий узилишлар рўй берди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Госпланига (В. И. Плетнев), «Узворчермет» (В. И. Ушаков), «Узворцветмет» (М. Ғ. Ғозиев)га Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари, иттифоқ қарамогидаги корхоналар республиканинг бутун территориясида темир-терсак топшириш юзасидан давлат буюртмасини бажаришларини таъминлашни ва унинг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатишни топширди. Шу йил сентябрь—октябрь ойларида қолоқликнинг ўрнини тўлдириш ҳамда 1989 йил ва беш йиллик планлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш лозим.

Президиум мажлисида кооперативлар фаолиятини тартибга солиш ва уларнинг Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиш республика комиссиясини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ижрони назорат қилиш тариқасида ҳарбий хизматга чақириладиган ёшгача ва ҳарбий хизматга чақириш ёшида бўлган йигитларни СССР Қуролли Кучларида ҳақиқий ҳарбий хизматга тайёрлашга оид қарорларнинг қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ахборот тингланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг мажлисида бошқа бир қанча масалалар ҳам муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ҲОСИЛ НИШОНАЛАРИ

● Ҳамиджон Эркаев бошлиқ бригада коллективи Олтиариқ районидаги М. Горький номли колхозда ғўза парваришини намунали олиб боришда пешқадамлик қилмоқда.

Миришкорлар 82 гектар майдондан пландаги 33 центнер ўрнига 36 центнердан, жами 260 тонна пахта етиштиришга бел боғлашган. Кўнгилдагидек ишлов берилган ғўзаларда ҳосил нишоналари тобора кўпайиб бормоқда. Ҳар туп ғўзада ўрта ҳисобда 8—10 тадан бўлиқ кўсак. Ўнлаб гул ва шоналарни санаш мумкин. Дастлаб пайдо бўлган кўсаклар очила бошлади.

Айни кунларда бригада далаларида мўл ҳосилнинг гарови бўлган чеканка қизғин давом эттириляпти, пайкаллардаги бегона ўтлар юлиб ташланмоқда.

Дала ишларининг сифатли адо этилишига Мамлакат Тўхлиева, Насиба Отабекова, Ҳуснобод Ортиқова, Мавлуда Ортиқова, Робияхон Жалолова, Турсунали Тошматов, Расулжон Аҳмедов, Юрсунали Абдураимовлар баракали ҳисса қўшаётирлар.

Р. ХАЛИЛОВА.

ШИФОБАХШ НИЧИМЛИК

● Уйчи районидаги «Ленинград» колхозида қимиз сотадиган дўкон очилди. Сотибек Бўтабеков оқласи бу ерда йилқичиликни қайта тиклашга киришди. У колхоздан ўнта бия олиб, шифобахш ничимлик тайёрлай бошлади. Ижарачилар ҳар куни 10—15 литр қимиз сотишмоқда.

(ЎзТАГ).



МАСЛАҲАТ ҲАМ МАДАД

Мусобақадош дўстлар мадади туфайли ҳар қандай машаққатни енгиш ва мақсадга эришиш мумкин. Қўшни Ленинобод области далалари Фарғона областининг пахта пайкалларига туташиб кетган. Ҳар икки областнинг табиий, иқлим, ер ,тупроқ шароитлари ҳам деярли бир хил. Одатда қўшни пахтакорлар бир-бирларининг ҳолларидан тез-тез хабар олишиб, тажриба алмашиб турадилар. Шу кунларда ленинободлик ҳамкасблар Фарғона области далаларида бўлишиб, ғўза парваришининг аҳволи, теримга тайёргарлик, агросаноат комплекси ходимлари олдида турган бошқа вазифаларнинг бажарилиши билан танишмоқдалар. Пролетар районидаги «Ленинград» колхози раиси Абдумажид Мамажонов, Зафаробод районидаги «Комсомоли Тожикистон» совхози директори Аҳмад Турсунов, Ҳўжанд районидаги «Ҳўжанд» агросаноат комплекси директори Абдураҳмон Қодиров ва бошқалар Киров районни далаларида бўлишди.

Тожикистонлик меҳмонларнинг фикрича, кўпгина хўжаликларда юксак марра йўлида қилинаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Лекин айрим жойларда ғўза парваришига яхши эътибор берилмаётганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди. Айрим хўжаликларда йиғим-теримга тайёргарликнинг аҳволи унчалик яхши эмас. Пахта териш машиналари ва бошқа транспорт воситаларини, хирмон жойларини зудлик билан созлаб қўйиш даркор. Тожикистонлик меҳмонлар кўпгина доно маслаҳатлари билан фарғоналикларга мадад беришди.

Суратда: Олтиариқ район партия комитетининг биринчи секретари Н. Федотов, пахтачилик бригадаси бошлиғи Т. Абдураҳимов ва Масчоҳ район партия комитетининг биринчи секретари К. Тўраевлар Олтиариқ районидаги «Иттифоқ» колхози пахтазорида қизғин суҳбат ўтказмоқдалар.

Ш. АЛИМОВ сурати. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Б. Ф. САТИННИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Борис Федорович Сатин Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил 19 август.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Борис Федорович САТИН



1938 йилда туғилган, рус, 1968 йилдан КПСС аъзоси, олий маълумотли, инженер-металлург, 1961 йилда Челябинск политехника институтини, 1984 йилда Свердловск олий партия мактабини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1961 йилда Челябинск йўл машиналари заводида бошлаган ва у ерда ўн йил давомида мастерликдан цех бошлиғи ўринбосаригача бўлган. Йўлни босиб ўтган. 1973 йилдан бошлаб касаба союз ва партия ишида ишлаган: Челябинск йўл машиналари заводи касаба союз комитетининг раиси, партия комитетининг секретари, Челябинск шаҳридаги Совет райони партия комитетининг иккинчи, биринчи секретари, КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг инструктори бўлган. 1985 йилда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолигига номзод. СССР халқ депутати.

● ФРУНЗЕ

Қирғизистон пойтахтидаги 4-тиш даволаш поликлиникасида ҳатто кичкинтойлар ҳам қўрқмасдан ўз тишларини даволатадилар. Бу ерда лазер нури билан даволовчи хона очилди. Анъанавий бор машинаси ўрнига лазер нуридан фойдаланилмоқда. Ликзаларнинг ўзига хос системаси ёрдамида нур таратувчини оғриётган тишга йўналтирадилар ва оғриқ тақка босилади, нур оғизнинг шикастланган шиллиқ пардасини тузатади, у пародонтоз касаллигини даволашда жуда қўл келади. Лазер билан даволаш қурилмаси жуда қулай. Ундан энг узоқ қишлоқ шифохоналарида ҳам муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

● АРАЛЬСК (Қизил Урда области)

Қозоғистонда Орол бўйида оқинларнинг Айтқсув деб аталган область мусобақаси бўлди. Моҳир оқинларнинг беллашуви «Орол бизнинг дардимиз ва умидимиз!» шиори остида ўтди. Айтишувлар услуб жиҳатидан ранг-баранг, мазмунан



ҳамоҳанг эди. Унда табиатнинг кўзни чиққан мувозанатни тиклаш, келажак авлодлар учун унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини авайлаб-асраш ва сақлаш асосий йўналиш бўлди. Халқ ижодиёти байрамини ўтказишдан тушган маблағларнинг ярмини Оролни қутқариш фондига ўтказишди.

● ДУШАНБЕ

Тожик матбаачиларининг босма машиналаридан ажойиб алифбе тушди. Араб ҳарфи билан ёзилган графика ва имлога онд бу ўқув қўлланмаси республика гуманитар олий ўқув юртларининг талабалари, шунингдек Ўрта аср Шарқ тожик-форс адабиёти классикларининг асарларини асл нусхада ўқишни истаётган кишилар учун мўлжалланган-дир.

Араб алифбесини В. И. Ленин номли Тожикистон давлат университетининг профессори, таниқли филолог олим М. Қосимова нашрга тайёрлаган. Тожикистон ССР Фанлар академияси тарих институтининг илмий ходими Э. Оқилов алифбенинг ҳам рассоми, ҳам ҳаттотидир. Зах-маткаш ижодкор китобнинг 450 варағини қўлда ёзиб, кўп азият чекиб меҳнат қилди. Алифбе араб алфавитининг ҳар бир ҳарфи учун мўлжалланган дарслар туркуми билан очилади. Китоб сўнгида Ўрта аср Шарқ адабиёти классиклари Рўдакий, Фирдавсий, Жомий ва бошқаларнинг энг яхши асарларидан парчалар бор. Мактаб ўқувчиларн ҳам эътибордан четда қолишмаган. Умуман,мактаб ўқув юртлари ўқувчилари учун мактаб адабиёти чиқаришга ихтисослашган «Маорифӣ» нашриёти араб ва форс тилларн қўлланмаларини босиб чиқаришга тайёрлаб қўйди.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ИМКОНИЯТ БОЙ БЕРИЛМОҚДА

РАСМИЯТЧИЛИК ВА ҚОҒОЗБОЗЛИК САМАРҚАНД РАЙОНИ ПАРТИЯ ҚУЙИ БЎҒИНЛАРИ ИШИГА ЖИДДИЙ ЗАРАР ЕТКАЗМОҚДА

Ҳисобот-сайлов партия ташкилотлари учун сарҳисоб даври. Чунки қилинган ва қилинмаган ишлар шу пайтда яққолроқ маълум бўлади, ишчанлик ёки лоқайдликка йўл қўйилгани кўзга ташланади, услуб, тажриба таҳлил тарозисига тушади. Хуллас, бир йиллик фаолиятга баҳо берилади. Партия Марказий Комитетининг қарорида таъкидланганидек, ҳисобот ва сайловлар мамлакатдаги ҳозирги сиёсий вазият муносабати билан янада чуқурроқ аҳамият касб этади. Қайта қуришнинг оғир даври бошдан кечирилаётган, партиянинг қайта қуриш талабларидан орқада қолаётгани каби жиддий шароитда ҳисобот-сайловларга бефарқ қараш, унга лоқайдлик билан муносабатда бўлиш катта хатодир.

Ҳўш, Самарқанд районида ана шу ҳақиқатни англаб етишдими? Ҳужжатларга қарасангиз ҳаммаси силлиққа ўхшайди. Райком бюросида бу масала муҳокама этилган, партия ташкилотлари секретарлари иштирокида семинар ўтказилган, район газетасида тавсиялар босилган... Аслида-чи? Ҳақиқий аҳволни билиш мақсадида 14 август куни пешин пайтида «Ленин байроғи» колхози идорасига келдик. Қабулхонада раис А. Давронов ўтирган эди.

— Вазият мураккаб, — деди у. — Сув йўқ. Икки марта область партия комитетининг биринчи секретарига учрашдим. Қуюқ ваъда олдим. Обкомнинг қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи секретари Н. Холматов ҳам ёрдам бермади. Район раҳбарлари нима қила олишарди? 1360 гектар ердаги экинлар қовжираб ётибди. Белгиланган нормадаги сувни ололмаяпмиз. Ҳамма гапиради, ваъда беради. Амалий ишга келганда эса... Мана, обрў қачон тўкилади!

У қўл силтади. Колхоз партия комитети секретари Ш. Бозоров ҳузурига кирдик. У илгари район партия комитетида ишларди. Энди эса унга мустақил вазифани топширишган.

— Ҳа, қурилиш бригадасида ҳисобот-сайлов йиғилиши соат 12 га белгиланган, — деди у. — Ҳозир келиб қолишади. Шу ерда ўтказамиз йиғилишни.

— Вақт ўтиб боряпти-ку, райком вакили шу ердами?

— Колхозимизнинг 9-бригадаси бошлиғи Х. Раҳимова райком аъзоси сифатида шу цехда йиғилишни тайёрлаш ва ўтказишга масъул қилиб белгиланган.

Анча вақтдан кейин бригадир кириб келди.

— Цех партия ташкилотида қанча коммунист бор, улар йиғилишда тўла қатнашадиларми?

— Билмадим...

— Сизга райкомдагилар нима иш қилишингизни тушунтириб беришдими? Ахир семинар бўлган экан?

— Билмасам, партком секретаримиз мана бу гувоҳнома ва эслатмани берган эди. Лекин шуғулланишга вақтим бўлмади. Ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳозир пишиқчилик даври. Ишимиз кўп...

Хуллас, Холчуқук опа ҳатто КПСС Марказий Комитетининг қароридан ҳам, ҳисобот-сайлов йиғилишидан кўзда тутилган мақсад нималардан иборат эканлигидан ҳам бехабар экан. Сал олдинроқ бўлсада, айтиб қўя қолайлик. Райком вакили йиғилишда бошқа коммунистларга ўхшаб, қўл кўтариб, қўл туширибгина ўтирди, холос. Сўз берилганда ҳам «цех партия ташкилоти ишини қониқарли деб топаман», дейишдан бошқа гап топа олмади. Бу билан биз ҳалол меҳнат қилаётган деҳқон аёлни айбламоқчи эмасмиз? Ана шу заҳматкаш аёлни мушкул аҳволга солиб қўйган район партия комитетидаги мутасадди ходимларга эътирозимизни айтмоқчимиз, холос.

Роса қирқ минут деганда колхоз партия комитети секретари Ш. Бозоров ва цех партия ташкилоти секретари, хўжалик кадрлар бўлимининг инспектори А. Аҳмедов уч коммунистни топиб келишди.

— Йиғилиш ҳақида эълон ёзилганмиди? — сўраймиз улардан.

— Йўқ, эрталаб уларга огзаки хабар — бергандик. Шунга қарамасдан яна бир кишини — ғишт терувчи Р. Акрамовни топа олмадик.

— Ҳа, у шу куни ишга келмади. Қаердадир иморат қураётган бўлса керак, — деди партком секретари қизариб.

Хуллас, бир соат кечикиб бўлсада, йиғилиш бошланди. Цех партия ташкилоти секретари ҳижжалаб ўқиб берган тўрт саҳифалик докладда фақат иккита фамилия бор эди. У ҳам бўлса қурилиш бригадири М. Қобиловнинг ҳисоботи эшитилгани тўғрисидаги ахборот эди.

Кейин Мухтор акадан шу ҳақда сўраймиз. У эса кулиб қўйди-да:

— Йўқ, ҳисоботимни эшитишмаган. Энди, докладда ёзаверишади-да, — деди.

Шу гапдан сўнг қурилиш бригадаси шанига айтилган мақтовларга ҳам ишонгиси келмайди кишининг. Қолаверса, колхоз правлениеси раиси йиғилишдан аввал қурилишдаги муаммолар ҳақида гапирганди. Дала шийпонлари йўқ. Бошланган ҳам битмаяпти.

— Ёлғон гапиришнинг нима кераги бор? — деди кекса коммунист Б. Ҳамроқулов. — Докладда маиший хизмат кўрсатиш уйи ишга туширилди, деб айтилди. Ваҳолонки, у ерга ўтадиган йўл ҳам йўқ. Ҳаммаёқ ковланган. Ҳали водопровод олиб келинмаган.

Йиғилиш раиси эса йиғилишни олиб бориш ҳақидаги қоғоздан кўз узмай:

— Энди навбат йиғилиш қарорига. Уни ким ўқиб беради? — деб ўқиди-да сўнг бош кўтариб колхоз партия комитети секретарига юзланди.

Бозоров елка қисди. Цех партия ташкилоти секретари «Ҳали қарор тайёр эмас, ҳозир уни ҳам ёзамиз», дейишга мажбур бўлди. Хуллас, бу ердаги манзара тўрт киши йиғилиб, саҳнага чиқиш олдидан спектаклни машқ қилаётганга ўхшарди. Ваҳолонки, қайта қуриш энг аввало партия қуйи бўғинларида амалга оша бошлайди, деган гап тўрт йилдан бери такрорланяпти. Ниҳоят йиғилиш раисининг виждони уйғонди.

— Ўртоқлар, бу йиғилишимиз бўлмади, — деди у. — Ҳеч ким тайёр эмас экан. Йиғилишдан бехабаргимизга қарамай, ҳаммамизни мажбуран олиб келишди. Бунақа юзакичилик кимга керак?

Ана шу саволни мен район партия комитетининг иккинчи секретари Н. Кузминскийга бердим. Унинг жаҳли чиқди: «Нега районга келганда бир ўзингиз юрасиз?— деди у. — Нега райкомдан одам олмайсиз?».

— Ҳар бир келган киши райкомдан одам олаверса, ким қолади ишлашга? Шундай ҳам аҳволларингиз маълум-ку?

У шундан кейин кимгадир қўнғироқ қилиб, соат олтида ҳамма ходимларни тўплашни буюрди, кимнидир ишдан олажагини айтди. «Ленин байроғи» колхози партия комитети секретарини телефон орқали топиб, унга пўписа қилди ва дарров тушунтириш хати ёзиб беришни сўради? Қани энди шу хилдаги маъмурий-буйруқбозлик билан иш ўрнидан тезроқ силжий қолса?!

Район партия комитетининг иккинчи секретари Ўзбекистон ветеринария илмий тадқиқот институти маъмурий бўлими цех партия ташкилотига биркитилган экан. Шу жойдаги йиғилишда қатнашдик. Партия йиғилиши вақтида бошланди. Кўпчилик сўзга чиққан бўлсада асосий мақсад докладда ҳам, музокараларда ҳам унутиб қўйилди. Докладда бирор коммунистнинг фаолияти таҳлил қилинмади. Институт иши ҳақида республика, район газеталарида 82 та мақола чиққани, Ўзбекистон телевидениеси 35 минутли кўрсатув бергани, область газетаси бир саҳифа бағишлагани, радиода давра суҳбати уюштирилгани айтилди-ю, лекин чорвачиликнинг нега ташвишли аҳволга тушиб қолгани, бунда олимларнинг «ҳиссалари» қай даражада эканлигини таҳлил этиш унутилди. Узоққа бормайлик, шу институт жойлашган Самарқанд райони чорвачилик соҳасини кечикиб келгани айтилди-ю, бироқ бирор коммунистнинг йил давомида партиявий топшириққа қандай муносабатда бўлгани сира таҳлил этилмади. Агар цех партия ташкилоти институт раҳбарларини бирлаштирганини айтадиган бўлсак, бу нечоғлик катта аҳамият касб этиши маълум. Бунинг устига музокарада қатнашган кишилар ўз сўзларида кутубхонани ремонт қилиш, институт ўқовлисини ободонлаштириш масалаларидан нарига ўтиша олмади. Наҳотки, ҳисобот-сайлов йиғилишида ишга кечикиб келиш ҳамда ремонт муаммоларини эслатиш ўрнига сайлаб қўйилган орган ва партия ходимларининг, коммунистларнинг обрў-эътибори пасайиб кетгани сабабларини таҳлил этиш мумкин бўлмаса?

Таажжубланарли жойи шунда бўлдики, Н. Кузминскийнинг ўзи ҳам КПСС Марказий Комитети қарорида алоҳида уқтириб кўрсатилган ана шу талаблар асосида фикр юритмади. Бунинг ўрнига у райондаги партия ташкилотлари сонини санаб ўтди, сўнг экин майдонларини одамларга бўлиб бериш, томорқа масаласига тўхталди. Унинг фикрича, агар ер одамларга тақсимлаб берилса, район ялпи хирмонининг путури кетармиш. Ерни одамлардан, одамларни ердан узоқ сақлаш нақадар оғир аҳволга олиб келганлигини наҳотки, у ҳали ҳам англаб олмаган бўлса?

— Бир иккита йиғилишга қараб ишимизга баҳо беришга одатланишган, — деб кесатди у.

Шу кун биз яна Улуғбек номли колхознинг 10-бригадаси партия ташкилоти иши билан танишдик. Бу ерда ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши умуман тайёргарлик кўрмай ўтказилди. Йиғилиш бу ерда ҳам анча кечикиб бошланди. Цех партия ташкилоти секретари С. Мукаррамов докладни ҳижжалаб ўқий бошлади.

— Докладни ким ёзган? — деган саволдан кейин у ўзини йўқотиб қўйиб жойида ўтириб қолди.

Кейин маълум бўлишича, эрталабданоқ уни нонушта қилгани ҳам қўймай, зудлик билан чақириб олиб, ҳисобот-доклади ёздиришибди. Шундан сўнг Гулсара Ашурова аҳволни қисқагина қилиб, яхшилаб тушунтириб берди. Аммо ҳамма жим ўтирарди. Савол-жавоб, суҳбат қизиб кўрсак, коммунистларнинг айтадиган гаплари кўп экан.

— Уч болам бор, — дейди Ашурбиби Имомова. — Икки фарзандим нобуд бўлди. Қолганлари доим касал. Нега? Шароитимиз оғир. Болалар боғчасида жой йўқ. Боламни далага олиб чиқишга мажбурман. Колхозда кун бўйи ишлаб, ойига 30—40 сўмдан маош оламиз. Бу пул ҳатто болаларга кийимбош олиб беришга ҳам етмайди.

— Бу гапни район раҳбарлари билишадими?

— Қаёқдан билишсин. Райком секретарларидан биронтаси бирор марта даламизга келдими? Колхоз идорасидан қайтиб кетишади.

— Колхозда электр линияси ишдан чиққан, — дейди М. Нажимова. — СССР халқ депутатлари съезди ҳақида кўп эшитдигу, аммо телевизор орқали кўра олмадик. Бизда меҳнатнинг қадри йўқ. Ҳатто якшанба кунлари ҳам далага чиқиб ишлаймиз, лекин шунга яраша маош олмаймиз. Қишлоқда ҳаммом йўқ. Ҳаммом учун 14—15 километр йўл юриб, шаҳарга боришга мажбур бўламиз. Яқинда чойхонада видеофильм кўрсатишди. Битта билетнинг нархи бир сўм экан. Оила аъзоларимиз билан тушалик десак етти сўм тополмадик.

— Биз коммунистларнинг сўзимизда ҳам, ишимизда ҳам обрў қолмади, — деди богча тарбиячиси Ҳ. Исроилова. — Боғчамизда битта каравотда икки-уч бола ухлайди. Умуман, бу гапларни кўп гапирамиз. Колхоз идорасида бўлган йиғилишда район партия комитетининг биринчи секретари И. Исоқов қатнашиб, «бажарамиз!», деб ваъда бериб кетганди. Аммо гап бошқа-ю, иш бошқа экан.

Дарвоқе, райондa аграр сифат комиссияси десангиз район партия комитети жиддий эътибор беради. Чунки райком секретари учун дала кезиш, деҳқонга маслаҳат бериш осон-да. Ҳисобот-сайлов йиғилишларига қолганда эса уларнинг оёқлари тортмайди. Чунки коммунистлар олдинги йили ҳам райком олдига муаммоларни кўндаланг қилиб қўйишганди. Бажаришмади.

Ана шунақа гаплар. КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш ҳақидаги қарори ижроси Самарқанд районида қай йўсинда таъминланаётгани, имкониятлар қандай қилиб бой берилаётганини юқоридаги мисоллар кўрсатиб турибди.

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ОКТЯБРЬ ОЙИ ҲИСОБИГА

Бухородаги СССР 60 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси цехлараро социалистик мусобақасида 2- тикувчилик цехи пешқадамлик қиляпти. Л. Брегунец бошчилик қилаётган бу цех корхона кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Коллектив ойлик планларини муntазам 115 — 120 фоиздан бажармоқда.

Байрокдор цех тикувчиларидан И. Каримова, Ф. Ражабова, М. Отаева, М. Тўраева кабилар айни кунларда октябрь ойи ҳисобига маҳсулот беришяпти. Улар ҳар сменада 340 ўрнига 400—450 донадан маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

М. АБДУЛЛАЕВА.

СУТ МАҲСУЛОТЛАРИДАН ЕЛЧИДИК

— Биз ҳам қаймоқ ейдиган бўлдик, — дейишмоқда Ғиждувон райони меҳнаткашлари. Дарҳақиқат Ғиждувон сут заводи ишга тушгач, аҳолини сут, қатиқ, қаймоқ ва бошқа сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш кескин даражада яхшиланди.

Икки ой аввал сут маҳсулотлари Бухоро шаҳридан ташиб келтирилар, сут-қатиқ йўлда уриниб, ўз мазасини йўқотар эди. Эндиликда сифатли ва хуштаъм сут маҳсулотлари тез харид қилиняпти.

Корхона аҳлининг фидокорона меҳнати туфайли истеъмолчиларга кунига 2 тонна сут, 500 килограмм қаймоқ, 150 килограмм сузма ва 4,5 минг шишада қатиқ етказиб бериладиган бўлди. Энди Ғиждувон аҳолиси сут маҳсулотларидан ёлчиб қолди.

Ғ. МАҚСУДОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

КОРХОНАДА ПАРНИК ХЎЖАЛИГИ

Советобод кўн-галантерея бирлашмаси Қўрғонтепа районида биринчилар қатори хўжалик ҳисоби усулида ишлашга ўтди. Янгича ишлаш корхона социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга имкон бермоқда.

Ҳатто бу ерда фаолият кўрсатаётган ёрдамчи хўжалик ҳам пудрат усулида ишлай бошлади. Хўжаликда 22 бош соғин сигир, 231 бош қўй парваришланяпти. Пудратчилар ҳозиргача корхона ишчи ва хизматчиларига 16 тонна сут ва 4,7 тонна гўшт етиштириб бердилар.

Меҳнатни ташкил этишга нисбатан ижодий муносабат ходимлар ташаббускорлигини оширмоқда. Меҳнат ветерани, пенсионер Неъматжон Жўраев ҳаракати билан парник хўжалиги барпо этилди. Хўжалик коллективи ижара пудрати асосида ишламоқда. Энди корхона коллективи қишда ҳам турли резавор-кўкатлардан бахраманд бўлади. Бу ерда хушбўй гуллар ҳам етиштирилади. Ўтган 6 ойда парникдан салкам 5000 сўм даромад олинди.

Бирлашма янгича иш юритиши туфайли иқтисодий аҳволини шу тариқа яхшилаб бормоқда.

Ш. МАМАДАЛИЕВ,
Андижон области.

Демократияни ўрганамиз

ДАСТЛАБКИ САБОҚ

Область тарихида илк марта область ижрокоми раиси лавозимига бировракайига икки нафар номзод кўрсатилди. Ошкоралик ва демократия ижтимоий ҳаётда, кундалик турмушимизда дадил қарор топа бошлаган шу кунларда бунга ажабланмаса бўлади. Область Советининг янги раис сайлашга бағишланган ташкилий сессияси маҳаллий миқёсда демократиянинг дастлабки сабоқларини берди, десак хато бўлмайди. СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Советининг сессияси мамлакатни идора қилиш ва экономикани юксалтиришда, халқ турмуш фаровонлигини оширишда Советларнинг роли нақадар муҳим эканлигини кўрсатди. Маҳаллий Советлар фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар ясаш лозимлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. Фарғонада май, июнь ойларида юз берган фожиали воқеалар маҳаллий совет органлари ишида жиддий ўпирилишлар борлигини кўрсатди.

Шундай шароитда область ижроия комитети раислигига маҳаллий Советлар ишида жиддий ижодий ўзгаришлар қилишга лаёқатли, ўзини ишда кўрсатган, халқ орасида обрў-эътиборли шахс лозим эди. Муҳими, раисликка номзодларнинг ҳар иккисида ҳам бундай фазилатлар бор эди. Область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, область агросаноат давлат комитетининг раиси М. Исломовни Фарғона меҳнаткашлари яхши билишади. Партия, совет, комсомол органларида узоқ йиллар меҳнат қилган тажрибали М. Исломов областнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бўлган. У ҳал қилиш лозим бўлган масала ва муаммоларни юракдан ҳис қилади. Шу боис М. Исломовнинг сайловолди программасида қишлоқнинг етилган социал масалаларини ҳал этишга, озиқ-овқат программасини бажариш муаммоларига, пахта якка ҳокимлигини тугатишга алоҳида аҳамият берилган эди.

«Ферганастрой» территориал қурилиш бирлашмаси бошлиғи Ғ. Фозиловнинг программаси бирмунча кенгроқ ва серқирра. Унда областга хос кўпгина долзарб масалалар, жумладан турар жой бинолари қурилиши, экологик шароитни яхшилаш, саноатни ривожлантиришга оид бир қатор амалий таклифлар олға сурилди.

Номзодлар муҳокамаси муросасиз қизғин баҳслар билан ўтди. Масалан, Ўзбекистон районидаги «Ғунча» қишлоқ Советининг раиси, депутат Б. Тўйчиев М. Исломовнинг программасидаги аҳамиятли жиҳатларни кўрсатиб, депутатларни унга овоз беришга чақирган бўлса, Риштон район партия комитетининг биринчи секретари Х. Одилов иккинчи номзод ижроком раиси лавозимига кўпроқ муносиблигини таъкидлади.

Ҳар икки номзод ёпиқ овоз бериш бюллетенига киритилди. Сайлов якунларига кўра Ғ. Фозилов область Совети ижроия комитети раиси этиб сайланди. У М. Исломовга нисбатан 26 та кўп овоз олди. Янги раисни биринчи бўлиб унинг сафдоши ва холис рақиби М. Исломов чин юракдан табриклади.

Раис демократик асосларда сайланди. Бироқ, область Советининг ташкилий сессияси ҳали демократиянинг маҳаллий Советлар фаолиятига қанчалик секин, таъбир жоиз бўлса тортинибгина тадбиқ этилаётганлигини ҳам кўрсатди. Областда вужудга келган фавқулодда масъулиятли даврда облжроком раҳбарлигига номзод танлаш, уларни баҳолаш, наказлар беришда қуйи совет органлари четда қолишди. Номзодлар шаҳар ва районлар меҳнаткашлари ҳузурида ўз программалари билан чиқиш, Советларнинг ишини такомиллаштириш, қайта қуришни жадаллаштириш юзасидан уларнинг таклиф ва истакларини эътиборга олишга улгуролмадилар. Область газеталарида эса уларнинг программалари ташкилий сессиядан атиги икки кун аввал эълон қилинди. Табиийки, бундай шароитда аҳолининг барча қатламларини номзодлар муҳокамасига тортиш учун имконият бўлмади.

Сессияда шунингдек, собиқ раис Х. Мажидовнинг фаолиятига ҳам тегишли баҳо берилмади. Ҳолбуки, шундай муҳокама учун имконият бор ва у маълум маънода тарбиявий роль ўйнаши ҳам мумкин эди. Область ижрокомига деярли тўрт йил раҳбарлик қилган кишининг ҳозирги масъулиятли даврда «касаллигига кўра ва ўз аризасига биноан» ишдан кетитиши юмшоқ қилиб айтганда кўпчиликни ажаблантирди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Фарғона областида юз берган фожиали воқеаларни муҳокама қилган пленумида Х. Мажидов фаолияти ҳам ўз танқидий баҳосини олган эди. Область Совети сессиясида эса бу масалада индамаслик маъқул кўрилди.

Халқ депутатлари Фарғона область Советининг сессияси марказий газета ва журналларда, хусусан «Огонёк» журналининг 29 сонида Фарғона воқеаларига бағишланган турли миш-мишлар, кароматлар асосида ёзилган мақолаларни қоралаб, СССР Олий Советига мурожаатнома қабул қилди. Сессия СССР Олий Советидан бутун бир халққа нисбатан катта маънавий зиён етказган миш-мишлар ва узуқулоқ гаплар асосида мақола ёзган журналистларга чора кўриши илтимос қилди.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

В. И. ЛЕНИН ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти томонидан тайёрланган В. И. Ленин тўғрисидаги 10 жилдлик хотиралар мажмуасининг биринчи жилди босмадан чиқди. Китобга доҳийнинг қариндошлари — опа-сингиллари А. И. Ульянова—Елизарова, М. И. Ульянова, укаси Д. И. Ульяновнинг хотиралари кирган.

Ўқувчига маълум бўлган хотиралар билан бир қаторда 20—30 йилларда биринчи бор нашр этилиб, қайтадан чиқарилмаган материаллар ҳам эълон қилинмоқда.

Биринчи жилдда суратлар бор. У оммавий ўқувчига мўлжалланган.

Китобни Снёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).



М. НАЗАРОВ сурати.

Графикдан ўзиб

Шу кунларда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи графикдан ўзиб меҳнат қилмоқда. Бу ерда халқ истеъмоли буюмлари кўплаб тайёрланмоқда. Маҳсулот сифати тобора яхшиланаётир. Айни пайтда коллективнинг ҳар бир аъзоси ўзи бажараётган ишга ижодий ёндашиб, шахсий план-топшириқларини ортиғи билан бажаришга эришмоқда. Меҳнат коллективи кенгаши, партия ва комсомол ташкилотлари бу ишда бош-қош.

Айниқса Дина Айдемирова бошчилик қилаётган 2-цех тикувчиларн корхона эришаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Суратда: цех ишчиларидан (чапдан) Раиса Луговая, Озода Усмонова, Камол Қодиров ва Сайёра Собирова.

М. НАЗАРОВ сурати.

А. О. НАСИФ: МАҚСАДИМИЗ—МУҲТОЖЛАРГА РАҲМ-ШАФҚАТ КЎРСАТИШ

Аввал хабар берганимиздек, Жаҳон ислом уюшмасининг бош котиби Абдулла Омар Насиф Ўзбекистонда бўлди. Чет эллардаги юртдошлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон «Ватан» жамиятининг масъул ходими А. Луқмонов у билан суҳбатлашди.

— Ҳурматли бош котиб жаноблари, Жаҳон ислом уюшмасининг мақсади ва СССРга сафарингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Жаҳон ислом уюшмаси ҳукуматдан ташқари ташкилот бўлиб, унинг қароргоҳи Саудия Арабистонида, Макка шаҳридадир. Ислом динини ёйиш ва унинг мавқеини мустаҳкамлаш, мачитлар қурилишида ёрдам кўрсатиш, мусулмонлар яшайдиган мактабларда диний китобларни тарқатиш, етим-есирлар, майиб-мажруҳларга ёрдам кўрсатиш— уюшмамизнинг асосий мақсадлари ҳисобланади. Қисқасини айтганда, кимки муҳтож бўлса, уларга ёрдам кўрсатиш — бизнинг мақсадимиз. Биз Совет Иттифоқига СССРнинг Европа қисми ва Сибирь мусулмонлари диния бошқармаси ташкил этилганлигининг 200 йиллигини байрам қилиш тантаналарида қатнашиш учун келдик.

— Сиз Ўзбекистонда қисқа муддат бўлишингизга қарамай, республиканинг айрим шаҳарлари билан танишишга муваффақ бўлдингиз, Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасига бордингиз. Кўрган-кечирганларингиз ҳақидаги таассуротларингиз қандай?

— Самарқандда ўтмиш меъморий обидаларини кўздан кечирдик, ўзбек халқининг маданий мероси билан яқиндан танишда олдик. Ўтмишнинг ана шу бебаҳо ёдгорликларини кўз қорачиғдек асраган кишиларга катта раҳмат айтиш керак.

Шуни таъкидлаш керакки, кейинги йилларда Михаил Горбачев бошлаган жамиятингизни демократлаштириш жараёни кенг тус олди. Ана шу ҳаракат натижасида ўзбек мусулмонлари намоз ўқиш, диний маросимларни бажариш учун янги имкониятларга эга бўлдилар. Янги мачитлар очилмоқда, жоме мачитларн таъмирланмоқда. Бу бизни қувонтиради.

— Маълумки, ўзбекистонлик кўп кишилар тақдир тақозоси билан жаҳондаги турли мамлакатларга, шу жумладан Саудия Арабистонига ҳам бориб қолганлар. Уларнинг қариндош-уруғлари алоқалар ўрнатишда, бир-бирлари билан борди-келди қилишлари учун шароит яратишда ёрдам беришимизни сўраб мурожаат қилишмоқда. Жаҳон ислом уюшмаси ушбу соҳада қандай ёрдам кўрсатиши мумкин?

— Ташкилотимиз мусулмонлар қаерда яшашларидан қатъи назар, доимо уларга ёрдам беришга тайёр. Бу Саудия Арабистонида яшаётган ўзбекистонликларга ҳам тааллуқлидир. Улар шундай ёрдамга умид боғлашлари мумкин. Мамлакатингизда бошланган қайта қуриш ҳам одамлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда кафолат бўлиши шубҳасиздир.

ОРТИҚЧА ХАРАЖАТЛАРСИЗ

● Уз хизмат муддатини ўтаб бўлган кучли босимли газ қувури Когон шаҳрини сув билан таъминлашда ёрдам берди. «Узгипроремжилпроект» институти инженерлари газ магистралининг бекор ётган 20 километрлик участкасини водопроводга айлантирдилар. Қувурларни ювиш ва дезинфекция қилиш юзасидан зарур ишлар амалга оширилгач унга сув юборилди. Шундай қилиб катта сарф харажатларсиз Когон шаҳрини сув билан таъминлашни яхшилашга, шаҳар коммунал хизмати учун қарийб ярим миллион сўм пулни тежаб қолишга муваффақ бўлинди.

(ЎзТАГ).

Бугун—СССР Ҳаво флоти куни

УЧИШДАГИ ТАШВИШЛАР

Ҳаво кемасига чиқиб, жойлашиб олсангиз бас. Саноқли соатлар ўтади-ю, ерга қўниш хаёллари билан банд бўласиз. Бироз кутиб олувчи қариндошлар, ёр-биродари ҳақида ўйласа, бироз бориб тушадиган шаҳрида меҳмонхонага жойлашиш режаларини тузади.

Бироқ йўловчи ўзига хизмат кўрсатаётган Аэрофлот ходимлари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Уйласа ҳам бу ўй самолёт вақтида учганми-ю, стюардессанинг хушмуомилалигидан мамнунликдан нари ўтмас. Ваҳоланки, Аэрофлотнинг ҳар бир ходими йўловчиларни ўз манзилига бехатар етказиб қўйгунча не-не воқеаларни бошдан кечиради.

Яқин фурсатда кечган воқеани эсга олайлик. Ун бир километр баландликда парвоз қилаётган ҳаво кемаси Тошкентдан кўтарилиб Москва томон интиларди. Шунда двигателларнинг учинчиси ишламай қолди. Ҳаво кемаси командири М. Катасонов ва экипажнинг бошқа аъзолари ўзларини дадил тутиб, маҳоратларини ишга солдилар. Бир маҳалда аҳолисига қарийб тенг келадиган йўловчи тушган кема Домодедово аэропортига муваффақиятли қўндирилди. Қизиғи шуки, «ИЛ—86» самолёти салонидаги 343 йўловчининг биронтаси ҳам бу ҳодисани пайқамай қолди.

Шу дақиқаларда кўрсатилган мардлик, тоқат, билимдонлик юксак касб маҳорати билан қўшилиб осмондаги фавқулодда ҳодисанинг олди олинишига имкон берди. Бу, Ҳаво Флоти ходимлари жасоратли меҳнатидан ягона лавҳа, холос.

Бугун — Ватанимиз авиацияси тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган учувчилар ва штурманлар, инженерлар ва техниклар, ҳарбий ва граждан авиацияси топшириқларини қатъият билан адо этиб келаётган барча мутахассисларнинг ватанпарварлиги, шижоати, қахрамонликлари ҳақида ёзиш керак. Аммо биз муваффақиятларга маҳлиё бўлиб кетиш майлидан йироқмиз. Шунда ҳам Ҳаво Флоти ходимларининг Гражданлар урушн даврндаги қахрамонлигини эсламаслик, Улуғ Ватан уруши йилларида биронта ҳам операция авиация ишгирокисиз ўтмаганлиги, учувчиларнинг мардона ҳаракатлари билан душман маҳв этилганлиги, 200 мингдан ортиқ авиатор жанговар орден ва медаллар билан тақдирланганлигини таъкидламаслик инсофдан бўлмас.

Байналмилалчи ҳарбий учувчиларимиз Афғонистондаги жангларда ўзларининг энг яхши фазилатларини намоён этдилар. Чернобиль атом электр станцияси аварияси оқибатларида, Арманистон ва Тожикистон зилзиласи кунларида ҳам Ҳаво Флоти жангчиларн маҳорат ва жасорат кўрсатдилар. Эндиликда Совет Иттифоқи ҳарбий доктриналарини қайта кўриб чиқиб, қуролярогларни қисқартириб боришдан иборат ташаббусларнинг ташкилотчисига айланди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси бошлиғи, СССРда хизмат кўрсатган учувчи Ғ. М. Рафиқовнинг бир мулоҳазасини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Қурол-яроғларни қисқартириш ҳарбий авиация техникасининг бир қисмидан воз кечишга олиб келади, — дейди Ғани Мазитович. — Бўшаб қолган двигателларнинг маълум миқдордагисини қайта созлаб, граждан авиацияси самолётларига берилса бўлмасмикин? Албатта, мудофаа қувватларининг бир қисмини мутлақо тинч мақсадларда учишга сафарбар этиш яхши натижалар берар эди.

Бу мулоҳазани қувватлаш керак. Шундай қилинган тақдирда граждан авиацияси техникаси етишмовчиликлари тўлдириб борилиши мумкин, Машиналар парки тўлдирилиб, янгилаб борилаверса, аҳолининг эҳтиёжи ҳам инобатга олинган бўларди. Аслида ҳозир нима бўляпти? Авиаторлар ҳозир учиш жадвали бўйича ишлашяпти. Йўловчиларнинг ортиб бораётган эҳтиёжи ҳисобга олинмаётир.

Ўзбекистон Граждан авиацияси хўжалик ҳисоби усулида ишламоқда. Ўзгаришлар нишона кўрсата бошлади. Хўжалик ҳисоби талаблари асосида ишлаш ходимларда хўжайинлик ҳиссини оширди. Фойдаю-зиён фарқ қилинадиган бўлди. Штатлар қисқартирилиши ҳисобига ходимлар ойлиги ошди. Бошқа илож йўқлигидан шундай қилинди. Бироқ айрим хизмат бўлинмаларида нормативда белгиланган ходимлар сонининг 70—80 фоизигина мавжуд. Бу ҳол хизмат кўрсатиш участкаларидаги фаолиятни сусайтирмоқда. Фарғона водийси, Бухоро, Термиз ва бошқа аэропортларнинг аҳволи шу сабабга кўра оғирлигича қолаяпти. Ёки бошқа бир муаммо: Тошкентда янги аэропорт қурилиши зарурати пишиб етилди. Бу ҳақда кўпдан бери гап бор. Лекин хўжалик ҳисоби шароитида аэропорт қурилишига кетадиган 1 миллиард сўмни республика Граждан авиацияси бошқармаси санаб беришга қодир эмас. Бундай маблағга Иттифоқ министрлиги эга.

Қисқаси, Граждан авиацияси йўловчилар ташвишини енгиллаштириш йўлларини излаяпти. Ҳозирча йўловчи билет излаб, самолёт пойлаб турибди. Яқин вақтларда Тошкентда янги аэропорт барпо этилиб, Аэрофлотнинг ўзи йўловчи излаб қолса ажаб эмас.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.



● Сув танқислиги районда чорвачилик ва деҳқончиликни юксалтиришга тўғаноқ бўляпти. Аҳолини ичимлик сув билан таъминлашни тезроқ ҳал қилиш лозим.

● Тоғ қишлоқларининг сўлим табиатини асраб қолиш— шу куннинг долзарб вазифаси

● Тўйларимиз ихчам, ортиқча харажатларсиз ўтсин

● Ёшларни ветеранларнинг байналмилал анъаналари руҳида тарбиялаш эътиборда бўлиши зарур



КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

ЗОМИН РАЙОНИДА ПАРТИЯ, УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИ БИЛАН ҚИЗИҚАРЛИ КЕНГАШ ЎТКАЗИЛДИ

Райондаги истироҳат боғи байрам либосида. Алвон ранг шиорларда «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Оталар шуҳратини давом эттирамиз», «Меҳнат қилган — элда азиз» сўзлари ёзилган. Шарқона услубда кошинкор қилиб қурилган айвонлардаги столларда район меҳнаткашлари ўз қўллари билан етиштирган ноз-неъматлар. Бу ерга район хўжаликларида ҳалол ишлаб, меҳнати эл оғзига тушган, турмуш тарзи, доно маслаҳатлари билан олқиш олаётган уруш ва меҳнат ветеранлари тўпланишмоқда.

— Районимиз ташкил топганига олтмиш йилдан ошибди-ю, ҳали қатор камчиликларга барҳам берилмаган. Бир нуқсонларни очиб ташлаб, катталарни қизартирсамми? — деди ҳамроҳига «Ударник» совхозидан келган уруш ва меҳнат ветерани Нишонбой Абдувоитов.

— Ҳеч шартакилигинг қолмади, қолмади-да, — деди унинг дўсти уруш ва меҳнат ветерани Петр Кожухов. — Қишлоқларнинг аҳволи, деҳқонларнинг ночорлигини улар ҳам билиб туришибди. Ў ундоқ, бу бундоқ деяверган билан иш битмайди. Тажрибамиз етарли. Ҳали билагимизда куч бор. Ёрдам беришимиз керак.

— Бўлмаса раҳбарларнинг ҳаммасини дўндирворамиз... деб берадиган ваъдасини эшитиб кетаверамизми?..

— Унақа эмас. Илгарилари кўпни кўрган қариялар билан маслаҳатлашишмасди. Буйруқ беришарди-ю аҳволинг не кечди, деб сўрашмасди. Бирор нарсада фикрингни айтсанг, нари борса «хўп» дейишарди-да, билганларини қилишаверарди. Шунча қарияни маслаҳатга чақиришибдими, демак ишга жиддий киришишган кўринади.

Дарҳақиқат, кенгашни очган район партия комитетининг биринчи секретари Абдуллажон Ўтдиқулов аҳволни бежаб ўтирмади:

— Маълумотларга кўра бундан 35—40 йилча бурун районимизда кичик-кичик 62 та колхоз бўлиб, 150 минг қўй, 60 мингта қорамол, 10 минг йилқи боқиларди, — деди у. — Ҳозир атиги 34 мингта қўй, 19 мингта қорамол, 900 та йилқи қолган. Бунинг устига мавжуд 156 қишлоқнинг бир қисмида одамларнинг турмуш шароити ниҳоятда оғир. Ичимлик сув, ҳатто электр йўқ. Аҳоли ичимлик сувни сотиб оляпти.

Бунинг устига колхозлар тугатилиб, йирик совхозлар тузилгач, қишлоқлардаги одамлар узоққа бориб ишлаша олмаяпти. Шу туфайли ишсизлар сони кўп. Районда фойдали меҳнат билан банд бўлмаган 16 минг кишининг 4,5 минг нафарини 18 дан 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Биргина «Ленинград» совхозида истиқомат қиладиган 18 минг кишининг 6 минг нафари ишламайди.

Одамларнинг турмуш шароити оғир. Даромади оз. Ишловчиларнинг ўртача ойлик маоши 45 сўмни ташкил этяпти. Бошқа муаммолар ҳам талайгина. Энди бундай яшаб ва ишлаб бўлмаслигини район партия комитети тушуниб турибди. Шунинг учун сизларни маслаҳатга чақирдик. Сизларнинг бой тажрибангиз, йўл-йўриғингиз аҳволни ўнглашга ёрдам бериши шубҳасиз.

Худоёр ЛАТИПОВ:

— Мамлакатимизда миллий низолар авж олаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, миллий келишмовчиликларнинг илдизи кўпинча иқтисодий негизга бориб тақалади. Районимизда ўзбек, тожик, рус ва бошқа миллат вакиллари узоқ йиллардан бери аҳил-иноқ яшаб келишади. Ҳозир қишлоқларда юз берган бир муаммо борки, агар у вақтида ҳал этилмаса, кейинчалик жанжал яна кучайиши мумкин.

Бу сув масаласидир. Ҳаммамизга маълумки илгарилари Жуйлангар, Юқори Сармич, Қуйи Сармич, Искандар, Баланд Чақир, Варқин, Пучуғай, Пастки Чақир, Хўжамишкон, Фируз ва бошқа кўплаб қишлоқларда булоқлар шарқираб ётарди. Энди сув камайиб кетди.

Ҳозирга келиб, районда аҳоли жон бошига атиги 4 килограммдан мева тўғри келяпти, холос. Ичимлик сув йўқлиги учун одамлар обиҳаётни сотиб олишяпти. Бу масалани юқори ташкилотлар олдига қўйиш керак.

Яна бир муаммо. Кузатишимча районимизда ишсизлик бундан йигирма йиллар чамаси илгари бошланган эди. Лекин кўплаб раҳбарлар буни кўриб кўрмасликка, билиб-билмасликка олдилар. Натижада ҳозирга келиб, одамларни, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш масаласи гоятда ўткир бўлиб турибди. Энди қишлоқларда саноат корхоналари филиалларини очиш, турли кооперативлар тузиш лозим.

Раҳмат ҚУРИМБОЕВ:

— Аввало район партия комитети ветеранларга ишонч билдириб маслаҳатга тўплагани жуда яхши бўлди. Мен бир нарса тўғрисида гапирмоқчиман У ҳам бўлса тўйлар ҳақида. Очиғини айтганда тўйларимиз борган сари дабдабали бўлиб кетяпти. Бор етти маҳаллага ош берибди, деганларидек бадавлат кишилар катта тўйлар қилишяпти. Аммо даромади озлар-чи? Уларга етаман, деб бола-чақасининг ризқидан қиймоқда. Қарз бўлиб аҳволи яна ҳам ночорлашиб қоляпти.

Шунинг учун биз оқсоқоллар тўйларни ихчам, ортиқча сарф-харажатсиз ўтишига бош қош бўлишимиз керак. Тўйларни ўтказиш комиссиялари белгиланган тартибни бузган кишиларга жамоатчилик таъсирини ўтказиши лозим. Бу ишда биз ветеранлар шахсий намуна кўрсатайлик. Сўзи билан иши бир кишига одамлар ишонади, унинг айтганини қилади.

Исоқ ХУДОЙҚУЛОВ:

— Тартиб остонадан бошланади, дейди халқимиз. Менимча биз ветеранлар аввало ўз уйимизда тартиб ўрнатишимиз даркор. Фарзандларимиз, набираларимизни меҳнаткаш, ҳалол, софдил қилиб тарбиялаш бурчимиз эканлигини унутмайлик. Агар ҳар биримиз бирорта ёшни ёмон йўлдан қайтариб яхши инсон бўлишига ёрдам беролсак, қанчалаканча номаъқулчиликлар, жиноятларнинг бўлмаслигига эришамиз.

Зулқайнар АБДУРАЗЗОҚОВ:

— Зомин халқи меҳмондўст халқ. Уруш вақти ва урушдан кейин кўчириб келинган поляк, немис, турк, қрим татар миллатига мансуб кишиларга уйининг тўридан жой берди. Бир бурда нонини биргаликда баҳам кўрди. Ҳанузгача қўлни-қўлга бериб иноқ, аҳил яшаб, меҳнат қиляпти.

Лекин кейинги пайтда юз бераётган воқеалар, миллатлараро низолар бўлаётгани бизни ташвишлантиряпти. Улар ёшларга таъсир ўтказиши мумкин. Биз бунга йўл қўймаслик учун уларнинг тарбиясига эътибор беришимиз зарур. Ёшларни ветеранларнинг байналмилал анъаналари руҳида тарбиялайлик.

Ҳозир кўплаб хўжаликларнинг иқтисодий аҳволи ночорлашиб қолган. Шунинг учун халқнинг моддий турмуши яхши эмас. Лекин юксак самарадорликни таъминлайдиган илғор тажрибалар районимизда ҳам йўқ эмас. Биз ветеранлар бу тажрибаларни кенг ёйиб, колхоз ва совхозлар экономикасини юксалтириш, одамларнинг турмуш шароитини яхшилашда ташаббускор бўлайлик. Ана шунда районда барча соҳаларда жадал ривожланишни таъминлашга ҳисса қўшамиз.

Кенгашда сўзлаган бошқа ветеранлар ҳам райондаги социал-иқтисодий вазиятни шу тариқа холисона, юксак талабчанлик билан таҳлил этдилар, муаммоларни айтиб, уларни бартараф этишнинг оқилона йўлларини кўрсатиб бердилар.



Ҳа, партия комитетлари ҳозирги қайта қуриш шароитида ўз иш услубида ўзгариш қиляпти. Кўпроқ халққа, меҳнаткашларга яқинроқ бўлиш, уларнинг таклиф, истакларини инобатга олиб, ишда ўзгариш ясаш орқали элюрт фаровонлигини таъминлашга интилмоқда. Зомин район партия комитетининг ветеранлар билан бўлган маслаҳатлашуви фикримизнинг ёрқин далилидир. Кенгашли тўй тарқамас, деганларидек, партия билан халқнинг бирлиги, ўзаро баҳамжиҳат ҳаракати ўз самарасини бериши шубҳасиз.

К. РИХСИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Суратларда: «Ударник» совхозида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат ветеранлари ва кенгаш қатнашчилари танаффус чоғида.

В. МОЛГАЧЕВ суратлари.

ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН

• *Таклиф ва мулоҳазалар*

СОВЕТЛАР ҲАҚИДА

● Депутатлар кундалик фаолиятида омма билан ҳамнафас бўлиб яшасинлар.

К. ХОЛМАТОВА,
Жиззах райони.

● Ҳокимиятни маҳаллий Советларга бериш керак. «Депутат ҳисобот беради» деган рубрика остида материаллар ўқишни истаймиз.

А. КАРИМОВ,
Задарё райони.

● Назаримда аксарият жойларда Советлар актив фаолият кўрсатмаётирлар. Иш оғизда эмас, амалда бўлсин.

У. БОЗОРОВ,
Ғузор райони.

● Газетада Советлар фаолияти, умуман, кам ёритиляпти. Бундай мавзуларда кўпроқ танқидий мақолаларни ўқишни хоҳлаймиз.

О. ОЛЛОМУРОДОВА,
Охунбоев райони.

• *Кексаларни эъзозлайлик*

«КЕЛАСИ ЙИЛИ КЕЛАСИЗ...»

Пойтахтимизда 7 мингдан ортиқ Улуғ Ватан урушн қатнашчиси ва шахсий пенсионерлар шаҳар меҳнат ва социал таъминот бошқармаси ҳисобида турадилар. Улуғ Ватан урушн инвалидларига ҳар йили бир марта, шахсий пенсионерларга эса икки йилда бир марта дам олиш ва даволанишлари учун текинга йўлланма берилиши керак.

Пойтахт меҳнат ва социал таъминот бошқармасига борсангиз ҳар куни кўплаб кексалар йўлланма олиш учун қабулхонага киргани навбат кутиб турганини кўрасиз. Афсуски, уларнинг кўпчилиги йўлланма ўрнига қуруқ ваъда олиб, асабларн бузилиб чиқиб кетаётганларининг гувоҳи бўласиз.

Мен ҳам шахсий пенсионерман. Бундан икки йил олдин Тошкент областидаги «Чинобод» санаторийсига бориб дам олган эдим. Яқинда навбат келиб қолгандир деб, бошқарманинг йўлланма тарқатувчи бўлими мудири Саидахон Мусажонова ҳузурига кирдим:

— Бу йил ҳамма йўлланмаларни тарқатиб бўлдик. Энди келаси йили келасиз, — деб жавоб берди С. Мусажонова.

Асабим бузилиб, бошқарма бошлиғи Ҳ. Турсунова олдига кирдим. Лекин улардан ҳам ҳеч қанақа ёрдам ололмадим.

Кексаларга ғамхўрлик қуруқ гапдан иборат бўлмасдан, амалда бўлса яхши бўларди. Газета ўз сонларида кексаларга ғамхўрлик кўрсатмаётган, уларга лоқайд муносабатда бўлаётган ташкилотлар, айрим мутасадди ходимлар ҳақида танқидий материаллар бериб борса, одамлар ва турли миллатлар ўртасида меҳр-оқибат, дўстлик ва биродарликни кучайтириш ҳақида мақолалар чоп этилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
пенсионер.

ДАЪВАТКОР КУЧ

«Совет Ўзбекистони» газетасини узоқ йиллардан буён ўқийман. Газетанинг сафарбар этувчи, даъваткор кучи, айниқса, Улуғ Ватан уруши йилларида намоён бўлган эди. Эсимда, ҳандакларда қўлдан қўлга ўтар, ўлкамиздан келган ҳар бир хабар солдатлар руҳини кўтарарди. Жанг майдонларида душман билан юзма-юз олишаётган жангчиларни жасоратга ундарди.

Қайта қуриш жараёни давом этаётган шу кунларда матбуотнинг аҳамияти тобора ошмоқда. Айниқса, ёшларни байналмилал руҳда тарбиялашга эътиборни кучайтириш даркор. Уларни ота-боболар жанговар анъаналарининг муносиб ворислари қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор бериш керак. Кези келганда шуни айтиш керакки, кейинги пайтларда газета саҳифаларида бу мавзуда онда-сонда мақолалар босиляпти.

Келгуси йил Ғалабанинг 45 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан, «Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди», «Улар Ватанни ҳимоя қилганлар» каби умумий сарлавҳалар остида собиқ жангчиларнинг хотиралари, ҳалқимизнинг оммавий қаҳрамонлигини гавдалантирувчи лавҳалар мунтазам бериб борилса.

Ш. МАҲМУДОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

«Совет Ўзбекистони»га обуна бўлишни унутманг!

ЗАРДАЛИ ХАТЛАР

ОТАШКУРАК ҲАМ ҚЎШИБ СОТСА...

Тўй-маъракада ишлатамиз деб 10 дона чойнак сотиб олгандик. Қолдик балога...

Нега дейсизми? Бекобод сирланган идишлар заводида тайёрланган бу чойнаклардан фойдаланганда иссиқлигидан бандига қўлингиз тегиши билан юлиб олай дейди. Дамланган чойни дастурхонга етказиб боргунча неча жойда ерга қўйишга мажбур бўласиз.

Таклиф қиламиз: донаси 4 сўм 40 тийин турадиган сирли чойнакларга биттадан оташкурак ҳам қўшиб сотиш керак. Акс ҳолда чой ташийман деб қўлдан айрилиш ҳеч гап эмас.

Ж. ТУРДИЕВ,
Андижон районидаги «Ленин йўли» маҳалла комитети раиси.

ЭСКИНИ ЯМАГУНЧА

«Запорожец»ни сотиб, эскироқ «Жигули» харид қилдим. Менга ким қўйибди ҳавасмандликни... «Эскини ямагунча эсинг кетади», деганлари рост экан. Биласиз, тиқ этган жой бўлса эҳтиёт қисм талаб қилади.

Гулистон шаҳридаги автомобиль эҳтиёт қисмлари магазинига қатнайвериб отнинг қашқаси бўлдим. Лекин зарур эҳтиёт қисмларни ҳарчанд сотиб олишнинг иложи йўқ. Хабар олиб туринг, дейишдан нарига ўтишмайди. Предохранитель, свеча (русча ўқиганим учун ўзбекча номини тополмадим) каби арзимаган деталлар бозорда бор. Аммо Сирдарё областидаги магазинлардан излаб овора бўласиз.

Харидор чиқса, эски «Жигули»ни сотиб қутилсаммикан, деб ўйлаб юрибман.

Р. АБДУРАҲИМОВ,
Гулистон шаҳри.

«Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ:

— А. Маткаримовнинг Амударё районидаги Қипчоқ посёлкасини социал-иқтисодий ривожлантириш ҳақидаги хати кўриб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам кўп йиллар давомида Қипчоқ посёлкасини ҳам социал, ҳам иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга етарли эътибор берилмай келинган. Автоном республика Министрлар Совети Амударё район ижроия комитети билан биргаликда посёлкани ободонлаштириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқди.

«Манғит — Қипчоқ» газ қувурини ўтказиш, 20 минг квадрат-метр йўл ва йўлкаларни асфальт қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларни тайёрланди. 1989 — 1990 йиллар қурилиш планига 120 ўринли ётоқхона, 841 ўринли мактаб биноси барпо этиш киритилди. Тошкентдаги «Узгипросельстрой» лойиҳалаш институтида тайёрланаётган лойиҳа-смета ҳужжатларига учта уй-жой ва эллик ўринли касалхона бинолари қуриш киритилган, 1992 йилда уч юз ўринли клуб, 160 ўринли болалар боғчаси қуриш режалаштирилган. Фуқароларнинг якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиш тўғрисидаги талабларни қондириляпти.

Амударё район Совети ижроия комитети ва Қипчоқ овул Совети жамоат-фойдаги меҳнат билан банд бўлмаган посёлка аҳолисининг бир қисмини ишга жойлаштириш ишларини олиб боряптилар.

ЖИЗЗАХ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Ҳ. Носиров номли совхозда яшовчи П. Жалиловнинг мактуби юзасидан текшириш ўтказилди. Ҳақиқатан ҳам совхознинг автотранспорт бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган П. Жалилова нисбатан совхоз директори И. Абдурасулов томонидан Ўзбекистон ССР Меҳнат ҳақидаги қонунлар Кодексининг 41-моддасига зид равишда ҳаракат бўлган.

Совхоз директори йўл қўйган ўз хатосини тан олди ва П. Жалиловга аввалги вазифасида иш бошлашни таклиф қилди.

Текшириш якунлари совхоз партия комитети йиғилишида муҳокама қилинди. Партия комитети совхоз директори И. Абдурасуловни қаттиқ огоҳлантирди.

ХУШХАБАРЛАР

Андижондаги «Электроаппарат» заводи билан Марҳамат районидаги электротехника заводи мутахассислари биргаликда ишлаб чиққан электр розеткаси учун қалқон болаларни ток уришдан асрайди. Розетка тешикларини тўсиб турувчи пластмасса қалқон фақат бир йўл билан ичига очиладн. Шунинг учун ҳам розеткага ўзга нарсаларнинг тушиши, демакки қисқа туташув бўлиши эҳтимолдан ҳолн этилган. Ҳисоб-китобларга кўра, бундай буюмларга талаб йилига бир ярим миллион донани ташкил этади.

* * *

Тошкентдаги «Средазэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ётоқхоналаридан бирндаги ишчилар бирничи бўлиб ёқимли совға олишлар. Бирлашманинг илмий тадқиқот марказн Златоустдаги машинасозлик заводи билан ҳамкорликда программа билан бошқариладиган рўзғор электр плиталарнни ишлаб чиқаришга киришди. Тўртта конфорка баббаравар 8 кнловатт кучланиш билан ишлайди. Яқнн беш йил ичида плиталарни биргаликда ишлаб чиқаришни йилига 250 мингтага етказиш мўлжалланмоқда.

* * *

Йўл кўрсатувчи истеъфога чиқди. Андижон-1, Ахтачи ва Қорасув станцияларида темир йўл изларини ва стрелка кўрсаткичларини таъмирлаш бошланди. Бу ерда электр марказлаштириш жорий этилмоқда. Стрелкаларни кўчириш борасидаги сермашаққат ишни энди автоматлар бажаради. Марказлаштирилган пульт ишга туширилиши билан йўл кўрсатувчи штатига ҳожат қолмайди, йўл хавфсизлиги ошади.

[ЎзТАГ].

Ғуломжонни қутқаришди

Яқинда Андижон область ички ишлар бошқармаси бошлиги номига Кўрғонтепа районидаги «Савай» совхозининг 5-бўлими раҳбарларидан мактуб келди. Унда қуйидагилар айтилган: «Ушбу хатимиз орқали бизни тўлқинлантирган воқеа ҳақида Сизни хабардор қилишни лозим топдик. 4 июль куни бўлим ишчиси Ҳосиятхон Назарова совхознинг 7-бўлимига ғўза парваришида ёрдам кўрсатиш учун борганди. Уэи билан бирга уч нафар фарзандини олиб кетган.

Шу куни болалар Шахрихонсой кўпригидан ўтаётганда, 8 ёшли Ғуломжон сувга тушиб кетади. Акаси ва опаси дод солиб, одамларни ёрдамга чақиришади. Кўприкдан сал наридаги постда навбатчиликда турган милиция лейтенанти Ҳотамжон Жумабоев шовқинни эшитиб, ҳодиса юз берган жойга биринчи бўлиб етиб келди. Дарҳол ўзини сувга отиб, чўкиб кетаётган Ғуломжонни тезоқар сувдан олиб чиқди.

Бу жасорати учун бўлим раҳбарлиги милиция лейтенанти ўртоқ Ҳ. Жумабоевга чуқур миннатдорчилик билдиради.

Х. БОЗОРМИРЗАЕВ,
бўлим бошлиғи.
А. АБДУВАҲОБОВ,
бўлим касаба союз комитети раиси».

Шеърни ким кўпайтирган?

Фарғона иссиқлик тармоқлари идораси ҳисобхонасида текшириш ўтказаётган милиция ходимлари стол устида миллатчилик руҳидаги ўзбекча шеърларни, уларни кўпайтиришда ишлатилган кўчирма қоғозни топиб олишди. Холис хизмат кўрсатишга «бел» боғлаган киши аниқланди. Мазкур идора ходимаси П. бу борада астойдил тер тўкибди. Текшириш давомида тил билмаган аёлнинг нега ўзбекча шеърлар мухлиси бўлиб қолгани сири очилса ажаб эмас.

«Маймун» ушланди

Рўзғор юмушлари билан банд хонадон соҳибаси диққатини эшик қўнғироғининг узун жиринглаши бўлди. У ёқ-буёғини шоша-пиша кўздан кечирган аёл зулфинга қўл югуртиришдан олдин ҳар эҳтимолга қарши сўради:

— Ким у?

— Эрингиз гўшт ташлаб ўтишни илтимос қилган эди.

Ҳожатбарорларга қуллуқ қилиш учун эшикни очган аёлнинг ўтакаси ёрилаёзди. Чунки уйга отилиб кирганлардан бири юзига маймун ниқобини тақиб олган экан. Улар тўппончага ўхшаш яроқ билан қўрқитиб, кўзларига тушган тақинчоқни чўнтакка уришди ва хайр-маъзурни насия қилиб ғойиб бўлишди. Инсонга биологик жиҳатдан энг яқин турган жонзот номини сотиб иш кўрган талончилар милиция томонидан астойдил қидирилди.

Яқинда сохта маймун ушланди. Унинг халтасидан «Ф—1» ўқув гранатаси, маймун ниқоби топилди. Юнусобод даҳасидаги 13-маҳалла хонадонларидан бирига ёмон ниятда кирган бошқа шахсларни ҳам тутиш чоралари кўрилмоқда.

«02» хабар қилади

Фавқулодда қўниш

Яқинда Тошкент—Термиз йўналиши бўйлаб учаётган «ЯК—40» самолётини пойтахт қўналғасига фавқулодда қўндириш эълон қилинди. Барча хизмат турлари шошилинч тайёргарликка келтирилди. 4 кишидан иборат экипаж аъзолари ўнг двигатели аланга олган самолётни ҳавога кўтарилгандан сўнг 15 минут ўтганда шикастсиз қўндиришга муваффақ бўлишди. Нима воқеа юз берганини таҳлил этишга улгурмаган 26 нафар йўловчи манзилга бошқа ҳаво кемаси ёрдамида элтиб қўйилди. Ёнғин сабаблари синчиклаб ўрганилмоқда.

Милтиқли «совчи»

Қўшни Тожикистон республикасининг Ленин номли колхоз ҳисобчиси К. Эшбўтаев икки ёшнинг бошини қовуштириш орзусида Сурхондарё область Сариосиё районидаги Калинин номли колхоз бригадири С. Ташанов уйига қадам ранжида қилди.

Таклифига рад жавобини эшитган совчи дарғазаб бўлиб, қизини узатишни истамаганлар бошига қора кун солиш билан дўқ-пўписа қила бошлади. Ҳаддан ошган К. Эшбўтаев қўлга олинганда, унинг ёнида иккита ўқли милтиқ борлиги маълум бўлди.

Зокиржонни кўрган борми?



Республика ички ишлар органлари томонидан 1984 йили Қўқон шаҳрида туғилган Зокир Абдуғаниевич Абдураҳмонов қидирилмоқда. У 3 июль куни уйдан кундузи чиқиб кетган ва дом-дараксиз йўқолган.

Белгилари: бўйи 110—120 сантиметр, юзи чўзинчоқ, сочлари қора, кўзлари тўқ жигарранг, фақат ўзбек тилида гаплашади.

Уст-бошн: оқ йўлли қизил майка, қизил труси ва оёғида шиппак бор эди.

Зокиржонни кўрган, унинг қаердалигини билган кишилар «02» рақамли телефон орқали энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг матбуот маркази ходими, милиция капитани.

• *Воқеалар* • *Хабарлар* • *Шарҳлар* • Якшанба саҳифаси •

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

Чет эл публицистикасида Ўзбекистон мавзуси асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Биргина Францияда кейинги йилларда Ж. Минабининнинг «Ўзбекистон мўъжизаси» (Париж, «Монд», 1969), С. Бенсидуннинг «Самарқанд ва Зарафшон водийси» (Париж, 1979), В. Монтейнинг «Совет мусулмонлари» (Париж, 1982) каби китоблари чоп этилди.

УЛУҒБЕК ФАРЗАНДЛАРИ

Анри Аллегнинг «Қизил юлдуз ва яшил яримой» номли китоби Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё республикалари тарихи ва шу бугуни ҳақида. Бу китоб дастлаб Париждаги «Мессидор» нашриётида 1983 йили француз тилида, 1985 йили эса Москвадаги «Прогресс» нашриётида рус тилида қисман қисқартирилиб чоп этилган.

Жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида, жумладан бир вақтлар кўплаб мустамлакаларга эга бўлган Францияда, хусусан тарихан қисқа бир муддатда Ўзбекистон ва Ўрта Осиё республикалари қандай қилиб тараққиётга эришдилар деган жумбоққа жавоб қидирувчилар кўп. А. Аллег «Қизил юлдуз ва яшил яримой» китобида бу сўроққа «Социализм ва Ленин нуқтаи назарларига амал қилган ҳолда тараққиётга эришди» деб қатъий жавоб беради, тарихий далиллар билан исботлашга уринади. А. Аллегнинг далолат беришича, бу китоб нашр этилганидан сўнг қисқа муддат ичида Франциянинг ўзида ўн минг тиражда сотилган.

Мазкур китоб кириш, хулосадан ташқари уч катта бўлимдан иборат. Туркистон ўлкасининг X асрдан бошланган қадимги тарихининг баёнига бағишланган биринчи бўлим «Минг бир кеча ва минг бир бахтсизлик», иккинчиси «Туркистон устида бўрон» бўлиб, инқилобдан сўнгги дастлабки шиддатли йиллар баёни ўз аксини топган. Китобнинг «Миноралар ва сунъий йўлдошлар» номли бўлимида ёзувчи асосан Ғарбдаги турли «тадқиқот» марказларида Ўрта Осиё республикалари тарихини бузиб талқин этаётганлар билан илмий баҳсга киришади ҳамда уларнинг хатоларини ишончли фактлар билан исботлайди.

Китобнинг юртимиз тарихи, фан ва адабиётимизнинг атоқли намояндалари фаолиятига бағишланган қисми қизиқарли чиққан. Унда Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Фаробий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоийлар ҳақида ҳақиқий ва чуқур маълумотлар берилади.

— Фақат эллик етти йил умр кўрган Ибн Сино,— деб ёзади Анри Аллег, — ҳар куни эллик саҳифа ёзар ва (шогирдига) айтиб турар эди. Бизгача унинг бир юз олтмиш асари етиб келган, лекин маълумки, у араб тилида тўрт юз эллик олтита, форс тилида йигирма учта асар ёзган. Унинг асосий асари «Тиб қонунлари» ўша давр барча тиббиёт илмларининг энциклопедик синтезидир... Бошқа тилларга «Тиб қонунлари» саксон саккиз марта таржима қилинган. Кўп асрлар мобайнида у Европа университетларида медицинани ўрганиш учун асосий дарслик бўлиб хизмат қилди. Ибн Сино Аристотель таълимотининг реалистик томонларига эътибор берди ва у Уйғониш даври арафасида схоластикага қарши курашаётган Европа тафаккури тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

— Ибн Синонинг замондоши Абу Райҳон ал-Беруний, — фикрини давом эттиради А. Аллег, — Ўрта Осиё тарихидан ўрин олган бошқа бир улуғ шахс... У Коперниккача биринчи бўлиб гелеоцентрик таълимот ва ернинг айланишидан келиб чиққан ҳолда қуёш системасини тушунтириб, илмий тавсифлаб берганди... ал-Беруний Ўрта асрларда энг буюк илм-фаннинг тимсоли эди.

А. Аллег Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср ал-Фаробийлар ҳақида ҳам ўз фикрларини баён қилади: «IX аср ўзбек математиги ва астрономи хивалик Муҳаммад Муса ал-Хоразмийнинг номи ҳам машҳур. Унинг математикага оид ишлари ва кашфиётлари илм дунёсида шундай шуҳрат қозондики, натижада унинг лотинлаштирилган исми (ал-Хоразмий) ҳозирги «алгоритм» атамасини яратишга асос бўлди. Хоразмий томонидан ёзилган «Китоб ал-Жабр ва ал-муқобала» рисоласи Европа мамлакатларида узоқ йиллар алгебра бўйича асосий манбаа бўлиб хизмат қилди. «Ал-жабр» сўзидан ҳозирги замон математика фанининг бир бўлими Хоразмий асос солган «алгебра» ҳосил бўлди.

Тарихий шахслар ҳақида гапирганда биз кўп ҳолларда бир ёқламаликка бериламиз: танқидни фақат қора бўёққа олиб, мақташ керак бўлса, нуқул кўкларга кўтарамиз. Анри Аллег Темур, унинг даври тўғрисида фикр юритар экан, у бу даврнинг ҳам салбий томонларини, ҳам ижобий томонларини ўз ўрнига қўйгандек кўринади. Темур билан Чингизхонни қиёслаб, у шундай бир тўхтамга келади: «Фақат жанг қилиб, ғалабага эришиш билан чегараланган лашкарбоши ва сиёсатдон Чингизхонга қарама-қарши ўлароқ Темур ўқимишли ва санъатни севувчи киши бўлган. У ўз пойтахти Самарқандни улуғвор ва чиройли бўлиши учун қайғурарди».

Француз ёзувчиси Улуғбек номини алоҳида муҳаббат билан тилга олади: «Темурийлар салтанатида бошқалардан алоҳида ажралиб турувчи шоҳ — бу Улуғбекдир. Буюк жаҳонгирнинг набираси Улуғбек меъморгина эмас, балки шоир ва кўп қиррали олим-математик, тарихшунос ва энг аввало тенги йўқ мунажжим бўлган эди у, — деб ёзади А. Аллег ва китобининг бир бобига «Улуғбек фарзандлари билим эгаллаяптилар» деб ном беради.

А. Аллегнинг фикрича, ўзбеклар ва бошқа туркий халқлар Алишер Навоийни ўз адабиётининг асосчиси деб ҳисоблайди. Алишер Навоийнинг достонлари, айниқса «Фарҳод ва Ширин» классик адабиётнинг олтин фондидан жой олган. Унинг мисраларидаги ҳиссий туйғулар, мусиқавийлик бугунги кунларда ҳам ўзбеклар қалбини тўлқинлантиради. Навоий ғазалларида яқин кишининг ғамига ҳамдардлик, зўравонликка, қонунсизликка, зулмга қарши нафрат туйғулари ҳам ўз ифодасини топган. Нима учун беш асрдан кейин ҳам Навоий ва унинг мероси шу даражада қадрланади?, деган сўроққа А. Аллег: «Улуғ шоир билан ҳозирги ўқувчилар ўртасида руҳий, маънавий яқинлик, умумийлик мавжуд», — деб жавоб беради.

Китобнинг «Туркистон устида бўрон» қисмининг «Халқлар турмасида қўзғолон», «Туркистонда ғолиб қизил юлдуз», «Октябрнинг ўқ овозлари Самарқандда эшитиляпти», «Янги республикаларнинг туғилиши», «Улуғбек фарзандлари билим эгаллаяптилар», «Ҳужум ёки аёллар ҳужумда» каби саҳифаларида Ўрта Осиё инқилобий ўзгаришлар, социализм қурилишидаги халқимиз олиб борган сайи ҳаракатлар қаламга олинган.

А. Аллегнинг Ўзбекистонда саводсизликни тугатиш борасида олиб борилган ишлар тўғрисида ёзганлари диққатга сазовордир. «Бир неча йил ичида саводсиз деҳқон ва шаҳарликларни ўқиш ва ёзишга ўргатиш, бир пайтнинг ўзида уларнинг фарзандлари учун минглаб мактаблар очиш — бунақаси ҳали дунё тарихида бўлмаган эди, — деб ёзади А. Аллег китобнинг «Улуғбек фарзандлари билим эгаллаяптилар» қисмида, — Буюк ташаббус охирига етказилди: ўрта аср уйқусидан уйғонган миллионлаб эркак ва аёл жаҳолатга қарши қўзғалдилар. Инқилоб эзилган халқларнинг эркинлик ва қадр-қимматини, тили ва маданиятини тиклаши шарт эди».

Асримизнинг 20-йилларидан бошлаб Ўзбекистон шаҳар-қишлоқларида очилган қизил чойхоналар, уларнинг тутган ўрнини А. Аллег тўғри баҳолайди: «Қизил чойхоналар очилди. Улар тарғибот ва маданиятнинг ўчоғи эди. Деҳқонлар бу ерда ўқиш-ёзишни ўрганишар, сўнг китоб, журнал, газеталардан фойдаланишар эди. Турли темалардаги маърузаларни эшитиш учун ҳам бу ерга тўпланишарди». Бу йиллари А. Аллегнинг кўрсатишича: «Наср ва назмда, театр ва мусиқада минг йилги маданият қайта тикланди ҳамда улар энди тор доирадаги кишиларнинг мулки бўлмай қолди. Ибн Сино, Беруний, Улуғбек номлари асрлар қаъридан яна қайтиб келди. Ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар Алишер Навоийни қайта кашф этдилар».

30-йилларнинг охиригача ўзбек алифбосининг икки марта ўзгартирилиши Ғарб дунёсидаги кўпчилик «ўзбекшунослар» эътиборидан четда қолмаган. Улар ўзбек алифбосининг ўзгартирилишини салбий баҳолайдилар. Анри Аллег бу масалада ўз фикрини баён қилган; «Бу реформа айрим авторларнинг айтишича, Москва томонидан қабул қилдирилмаган. У совет шарқшунослари ва филологлари, улар ичида ерли миллат вакиллари, масалан академик Т. Н. Қориниёзий ҳам бўлган, томонидан олиб борилган узоқ муҳокаманинг натижасида майдонга келган. Янги алифбони ўрганиш ўнғай бўлгани учун 1939 йилнинг охирига келиб, аҳолининг тўртдан уч қисми ўқиш ва ёзишни ўрганиб олишган эди».

А. Аллег китобининг учинчи қисми — «Миноралар ва сунъий йўлдошлар»да Ўрта Осиё тарихи, маданияти, тил ва адабиётлари бўйича ўзларини мутахассис ҳисобловчи «советолог»лар билан тарихимиз, тилимизга оид бир қатор масалалар бўйича баҳсга киришади. Китобнинг «Советологларнинг қулаётган салтанати» қисмида А. Аллег Ғарб дунёсида маълум советшунослар Ж. Уилер, Р. Пайпс, Э. К. д.Анкосс, А. Беннигсен ва бошқаларнинг «руслаштириш», «Ўрта Осиёнинг руслар томонидан эзилиши», «руслаштириш қўзғолонга олиб келади» каби тўқиб чиқарилган тезисларига қарши чиқиб, уларнинг уйдирмалигини, асоссиз эканлигини исботлайди. Инглизларнинг бир неча аср давомида Ҳиндистонда олиб борган тил сиёсатини ва бунинг натижасида шу кунларгача у мамлакатда инглиз тили давлат миқёсида ўз кучини сақлаб келаётганлигини Анри Аллег Ўзбекистондаги тил сиёсати билан ўринли қиёслайди.

«Ўрта Осиё республикалари бошқаларни ўзларига тақлид қилишга, нусха кўчиришга чақирмайди, — деган хулосага келади Анри Аллег китобининг охирида, — ҳар бир мамлакат ўзига хос шароитга эга, бу шароитлар эса ўз ечимини кутади... Лекин қандай қилиб бу совет тажрибаси, у қанақа қийинчилик ва хатоларга эга бўлмасин, барибир ибратли тажриба ва аниқ умидлар бахш этишини кўра олмаслик мумкин эмас?!»

А. Аллег китобини ушбу самимий сўзлар билан якунлайди: «Совет Ўрта Осиёсининг қадимги ва навқирон йўлларида хорижлик кишининг қулоғида жаранглайдиган Шарқнинг минг йиллик «Ассалому алайкум» («Сизга тинчлик тилайман!») каломи чуқур маъно касб этади: у тинчликка чақириқ, барча яхши ниятли кишиларга узатилган қўлдир».

Анри Аллегнинг биз ҳақимизда ёзган «Қизил юлдуз ва яшил яримой» китобидаги фикрлар халқлар ўртасида самимийлик, ўзаро ишончга даъваткорлиги билан қимматлидир.

Ҳайрулла ИСМАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари номзоди.

КЎҲНА ШАҲАР БАҒРИДА





Кўҳна Самарқанд халқаро туризм масканларидан бири. Бу ерда йирик халқаро анжуманлар, учрашувлар ўтказиб турилади. «Дунёни янгилаш учун» қитъалараро экспедиция қатнашчиларининг бу шаҳарга марҳамат қилиши ҳам ўзига хос қизиқарли воқеа бўлди. Халқаро автомобиль юришининг натижасида «Дунё бўйлаб юз кун» шиори билан турли халқларнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильмлар, репортажлар, мақолалар, суратлар туркумлари яратилади.

Суратларда: қадимий ёдгорликлар ва экспедиция қатнашчилари (ЎзТАГ).

ЮЗ ЙИЛ МУҚАДДАМ

«...Туркистон вилояти ўтган йигирма беш йил ичида не тариқа камолотга борганини равшанроқ дилга олмоқ учун 1890 нчи йилда 30 нчи августда Тошканд шаҳрида виставка бўлиб, анда рўзғорга тааллуқ ва бошқа нарсалар ҳозир қилинадур. Ул виставкада бўладурғон нарсалар: мева ва деҳқончилик ишлари, боғдорлик ва токзорлик ва мева қилиш ва пахта ва ғўза ва пилла ва асал ариси ва чорвадорчилик, от боқиш ва қуш боқиш ва дарахт экиш ва балиқ овлаш ва ов қилиш ва кичик ҳунарлик ишлар ва фабрика ва заводларда тайёрланадурган матолар ва тоғда битадурган нарсалар ва Туркистон вилояти хусусида илмга тааллуқли тасниф қилинган китоблар ва уруш тарихлари ҳам Туркистон вилоятида мактабдорлик илмига тааллуқли илмлар ҳозир бўладур.

Ул виставканинг тариқасини бажо келтурмоқ Сирдарё музофотининг военний губернатори жаноб генерал майор Грединовга содир бўлиб, алоҳида комитага тааллуқлидир.

Виставкага тааллуқ нарсаларни Туркистон вилоятининг фуқаролари ва ҳам мутасил музофотлар ва Осиё мамлакатларининг одамлари олиб келсалар, кўрсатмоқни хоҳлаганлар ул ҳуқуқда мазкур комитага хабар юборса керак.

Ушбу йилда сентябрь ва октябрь ойлари ичида мусулмонлар турадуғон Тошканд шаҳри ичида дифтариат касалидан ёш болалар, ёшлари то 14 гача бўлғон ўн икки бола ўлубдур. Ул шаҳарда касалнинг даъфи учун Руссия ҳакамлари ва шаҳар думалари тараддуд қилиб турибдурлар.

«Туркистон вилоятининг газети»
1870 йил 30 октябрь

Р. Файзуллаев тўплаган.

ҲАМИД, СЕМУРҒ, СИЭТЛ

Республикамиз пойтахти Тошкент билан кўп йиллардан буён биродарлик алоқаларини олиб бораётган АҚШдаги Сиэтл шаҳри муниципалитети яна бир илтифот кўрсатди. У ерда биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги дўстликни улуғловчи «Тошкент боғи»да ҳайкал ўрнатилади. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Яков Исакович Шапиро мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Сиэтлдаги «Тошкент боғи»да жаҳон халқлари ўртасидаги тинчликни ва дўстликни улуғловчи ёдгорлик яратиш ва уни ўрнатиш вазифаси менга топширилган эди. Мен бу ҳақда жуда кўп изландим. Ўзбек шоири Ҳамид Олимжоннинг «Семурғ» достони бу борада менга катта илҳом берди.

...Тинч ва осуда ҳаёт сари парвоз этиб бораётган Семурғ қуши устида Ҳамид исмли мурғак ўзбек боласи ўтирибди. Унинг бирдан бир нияти Сиэтлдаги ва Америкадаги барча одамларга тинчлик шиорини элтишдир.

• *Ҳодиса*

ДЕРАЗАДАН ОШГАНЛАР

Термизда миш-миш тарқалди: «Деновдаги қамоқхонадан 4—5 каллакесар қочганмиш. Улар дуч келганни чавақлаб кетишаётганмиш...»

Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди, дейишади. Ўша кунлари қамоқхонадамас, балки қўлга олинган айбдорлар вақтинча сақлаб туриладиган хонада икки «меҳмон» бўлган: бири чайқовчи, иккинчиси, эса киссавур. Ҳайратланарли томони шундаки, улар милиция ходимлари қўриқлаб туришига қарамай, жуфтакни ростлаб қолишган. Қандай қилиб дерсиз?

Маълум бўлишича, улар «ҳибс»дан қочишнинг жуда оддий йўлини танлашган экан. Жез арра билан одам бўйи баландаги дарчанинг темир панжараларини қирқишибди. Панжара яна симтўр билан тўсилган экан. Лекин унинг омонатлиги қочоқларга қўл келган.

Улар куннинг тезроқ кеч бўлишини, соқчининг «ухлаши»ни бетоқатлик билан кутишган. Ниҳоят, тонг саҳарда арраланган дарча панжарасини аста очиб қочганлар. Афсуски улар изсиз йўқолиб кетишолмади. Орадан икки кун ўтгач, улардан бири Термиз шаҳридан топилди. Иккинчисини эса анча излашга тўғри келди. У Липецк областининг Сенцово қишлоғига яширинишга улгурган эди.

Хўш, қочоқлар ким эди? Танишинг: Зариф Худойназаров — касби қассоблик, «8 Март» колхозидан. Ёши 23 да. Чайқовчилик қилгани учун судланган. Сергей Крилов — ишининг тайини йўқ. Ўғирлик учун икки марта судланган.

Н. ҲАЙИТҚУЛОВ.

СПОРТ ҲАФТАЛИГИ

● Футбол бўйича биринчи лига коллективлари кубоги учун ҳал қилувчи учрашув иштирокчилари аниқланди. Маълумки, дастлабки ярим финал ўйинида Ставрополь динамочиларини қабул қилган пахтакорчилар муваффақият қозониб, финалга йўлланма олишган эди. Иккинчи ярим финал учрашуви бўлмай қолди. Бонси, «Нефтчи» футболчилари Ланчхути шаҳрига «Гурия» коллективи билан учрашувга етиб келмадилар. Оқибатда «Гурия» ғолиб сифатида финалга чиқди. Шундай қилиб 21 октябрь куни «Пахтакор» ва «Гурия» коллективлари бош соврин учун баҳслашадиган бўлишди.

● Жанубий Америка чемпионати якунланди. Бразилия футболчилари 40 йиллик танаффусдан кейин яна чемпион номига сазовор бўлишди. Бу уларнинг бешинчи ютуғидир. Бугунгача Уругвай командаси 13 марта чемпионликка эришган. Аргентина футболчилари 12 марта ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишган. Перу, Парагвай командалари икки мартадан зафар қучишган бўлса, бундай шараф Боливия командасига бир марта насиб этган.

● Шахмат бўйича жаҳон кубоги учун баҳснинг олтинчи босқичи давом этмоқда. Жаҳон чемпиони Г. Каспаров Н. Шорт ва В. Корчнойни мағлубиятга учратиб, А. Карпов билан дуранг ўйнади. А. Карпов эса Д. Сакс, Л. Портиш билан ўйинларни дуранг қилди. Маълумки, бош совринни қўлга киритган шахматчи 100 минг долларга эришади. Иккинчи ўрин 75 минг, учинчи ўрин 50 минг сўм билан тақдирланади.

● Биринчи лига коллективларнинг 26-тур ўйинларидан кейин пешқадам пойтахт армиячилари 40 очко билан олий лигага асосий даъвогар эканликларини намойиш этишмоқда. Армиячилар «Қайрат» футболчиларини қабул қилиб, дарвозага учта жавобсиз тўп киритишди. Ҳозир «Қайрат» ва «Гурия» коллективларида 34 тадан очко бор. «Факел» 30 очко билан тўртинчи бўлиб турибди. «Пахтакор» ва «Нефтчи» футболчиларида 29 тадан очко тўпланган.

«МАТОНАТ» ОКЕАН ОРТИДА

Тошкентда ташкил этилган «Матонат» инвалидлар футбол командаси ўз ўйинлари билан мухлисларини мамнун этмоқда. Афғонистон жангларида инвалид бўлиб қолган йигитлар энди футбол командасида матонат кўрсатишмоқда. Бу команданинг довруғи Тошкент билан биродарлашган Сиэтл шаҳрига ҳам етиб борди. Океан ортидаги шаҳар инвалидлар футбол командаси ўзбек ўйинчиларини дўстлик учрашувларига таклиф қилган эди. «Матонат» командаси шу йилнинг баҳорида АҚШдаги ана шу шаҳарда бўлиб, дўстлик учрашувларини ўтказди ва кузда бошланадиган халқаро инвалидлар футбол командалари мусобақасига тайёргарлик кўрди.

Бугун «Матонат» футбол командаси жаҳон ўйинларида қатнашиш учун Сиэтлга жўнаб кетди. Команда ўйинчилари орасида Ҳусан Зуфаров, Александр Кукушкин, Султон Утаулиев, Рустам Собиров, Бахтиёр Ражабов, Шуҳрат Иброҳимов, Аъзам Исматов, Абдулаҳат Муҳаммадраҳимов ва бошқалар бор.

• *Одобнома*

КАМГАПЛИК ҲАҚИДА

«Эй азиз, билгинки, Луқмони Ҳаким камгаплик ва сукут ҳақида гапираркан, қуйидагиларни баён қилган эди: «Камгаплик ва сукутда шундай хислатлар бор: камгаплик тақинчоқсиз зийнатдир, сиёсати йўқ ҳайбат, девори йўқ қалъа ва либоссиз айб ёпувчи!».

* * *

Гапиришда сўзни узун қилма, ўйламай гапирма, бир гапни кўп такрорлама, ўзгалар сўзини бўлма, гапираётганингда овозингни ўртача қил, сендан сўзни махфий тутсалар, уни билиш учун зўрлик қилма. Рост сўзла, ҳақ сўзни ёлғонга чиқарма, бемаврид сўз айтма, сўзни ақлингга яраша гапир, оёқ-қўлингга эҳтиёт бўл, фойдасиз сўзларни айтма, чақимчини ўтиришга киритма!».

Абулбаракот ҚОДИРИЙ.

«Оз сўзлаш, аммо соз сўзлаш кишининг ақллилигига далилдир. Ақлнинг оз ёки кўплиги билан одамлар бир-биридан фарқ қиладилар. Киши ўз ўзини билса, қадру-қимматини таниса, у ҳолда унинг ақлли экани маълум бўлади. Аҳмоқ киши ўз чегарасини билмайди. Ақлнинг энг боши одамнинг халққа аралаша билишида, юриш туришида, ўзгаларга ибрат бўлишида, ҳаммага ёқа билишида, билимдон эканида намоён бўлади.

Сен қилмоқчи бўлган ишингни аввало ақлга ҳавола қил, ақлинг ижозат берса, уни амалга оширишга кириш. Ўз ўзини қаттиқ севган, яъни ўзига бино қўйган кишида ақл бўлмайди».

«Фавоқ ал-Жуласо».


«Сўзлаш одоби шундайки, сўзни кам сўзласин, чунки лақмалик тентакликнинг нишоналаридан биридир. Бўзўргмеҳр: «Бир кишини кўрдингки, ниҳоятда кўп гапирмоқда, билгилки, у девонадир!» деган эди. Киши демоқчи бўлган нарсасини ақл тарозусида яхшилаб тортмагач, уни баён қилиши номақбулдир: Ҳакимлар: «Кўп ўйла, сўнг сўзла» дейишган. Эҳтиёж пайдо бўлмасдан бир сўзлаган сўзни такрор гапирмасин. Бирор киши бирор воқеани баён қилишга киришса, эшитувчининг бундан хабари бўлса-да, хабардорлигини ундан яширсин. Чунки, гапирувчи хижолат чекиши мумкин. Ўзга кишидан сўралган сўзга жавоб бермасин. Агар савол кўпчиликка ташланса, у мазкур саволга жавоб беришга қодир бўлса ҳам ҳаммадан аввал жавоб беришга шошилмасин. Бирор киши жавоб айтса, қониқарли бўлмаса ёки унга қўшимча қилишга қодир бўлса оҳиста жавобини айтсин. Ўтиришда бўлаётган музокара ва мунозарага дахли бўлмаган ҳолда аралашмасин. Катталарга киноялн сўз айтмасин. Тушуниши қийин бўлган сўзни мисоллар воситасида равшан қилсин. Мунозарада чегарадан ташқари чиқмасин. Ҳар бир кишига унинг фаҳми етадиган даражада сўзласин. Бир ҳакимдан сўрадилар: «Нега сен гапиришдан кўра кўпроқ эшитасан?». У деди: «Чунки менга иккита қулоқ, битта тил ҳадя этилган». **«Маҳзан ал-Улум».**

(М. Ҳасановнинг нашрга тайёрланаётган «Одобнома» китобидан).

ТЕАТР САФАРИ

Республика қўғирчоқ театри чет эл сафарига ҳозирлик кўрмоқда. Бу сафар Германия Федератив республикасида қўғирчоқ театрлари фестивали ўтказиладиган кунларга тўғри келади, унда тошкентлик артистлар ҳам қатнашадилар. Улар Исфандиёр пьесаси асосида саҳналаштирилган «Темирчи ва малика ҳақида эртак»ни немис тилида кўрсатадилар. Тошкент қўғирчоқбозларининг қаҳрамонлари ҳинд, инглиз, болгар тилларида гапиришган.

(ЎзТАГ).



Об-ҳаво қандай бўлади?

Республика областларида келгуси ҳафтанинг кўпгина кунлари қуруқ ва жазирамали бўлиб туради. Кўпгина жойларда кечаси 15—20, кундузи 32—37, республиканинг жанубида ва саҳро масканларида кечаси 18—23, кундузи 34—39 даража иссиқ бўлади. Шимолий шарқ томондан секундига 7—12 метр тезликда шамол эсади. Бухоро областининг шимолида шамолнинг тезлиги секундига 20 метргача кучайиб, чанг-тўзон кўтарилади. Ўртача ҳарорат меъёридан ортиқроқ бўлади.

...САЛОМАТЛИК-ЧИ?

Н. А. Семашко номли саломатликни қайта тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг фикрига кўра, келгуси ҳафтада кутилаётган ҳаво метеорологик элементлари жиҳатидан меъёрига яқин бўлиб, бундай пайтда ўзини нохуш сезадиган бемор кишиларни безовта қилмайди. Шунинг учун ҳам махсус чора-тадбирларни кўриш тақозо этилмайди.

Бундай кунларда беморларга одатдаги кун тартибига риоя қилиш, чиниқиш машқларини давом эттириш, соя-салқинли жойларда кўпроқ бўлиб ва сувли ёқимли ванна қабул қилиш маслаҳат берилади.


ШАТРАНЖ ОЛАМИДА



Вазифа: оқлар олти юришда мот қилади.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Анатолий Степанович Ефимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари этиб сайланганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети Раиси вазифасидан озод қилди.



Сиз суратда кўриб турган бу илон қўғирчоқ эмас, балки Климантан оролидаги Борнео қишлоғидаги Тое оиласига «аъзо». Бундан олти йил илгари чангалзордан топилган тухумдан чиққан илон боласи одамларга ўрганиб ўсди ва ҳатто уч ёшли Карим Тое билан дўстлашди. Илон катта бўлганидан кейин уни беш киши кўтариб, чангалзорга қўйиб юборишди. Барибир у ўрганган хонадонига қайтиб келди. Шундан бери одамлар орасида.

ТАСС фотохроникаси.

Муҳаррир **У. УСМОНОВ.**

Р. — 04295. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Б.—192. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12